2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 22 (811), 2023 йил 2 февраль, пайшанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

# ИШБИЛАРМОН ВА МЕҲНАТСЕВАРЛАР ЮРТИ – АНДИЖОН ЯНАДА ОБОД БЎЛАДИ

## Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлар иқтисодиёти, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида 1 февраль куни Андижон вилоятида бўлди.

Давлат раҳбарининг ташрифи Бўстон туманидан бошланди.

Бу ерда яқинда “Сайёра фаввораси” масъулияти чекланган жамияти томонидан тўқимачилик корхонаси ишга туширилган эди.

Умумий қиймати 113 миллиард сўмлик ушбу лойиҳа доирасида бино барпо этилиб, Туркиядан замонавий ускуналар келтириб ўрнатилди. Эркаклар, аёллар ва болалар учун 50 турдан ортиқ, йилига 1 миллион 200 минг дона тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Мингга яқин маҳаллий аҳоли иш билан таъминланди.

Корхонанинг “Elegance SM” бренди остидаги сифатли, бежирим маҳсулотларининг асосий қисми экспортга йўналтирилган. Йиллик экспорт ҳажми 4 миллион доллар бўлиши мўлжалланган.

— Бу корхонага замин яратаётганимизда бугунгидай бўлиб кетишига кўпчилик ишонмаганди. Бўстон иқтисодий жиҳатдан орқада қолган туманлардан эди. Мана шундай корхоналар очилиб, одамларимиз даромад топаётгани қувонарли. Буни давом эттириб, иш ўринларини кўпайтиришимиз керак, — деди давлатимиз раҳбари.

Шу ернинг ўзида касб-ҳунарга қайта тайёрлаш ўқув маркази ташкил этилган. Унда ҳудуддаги ишсиз фуқаролар ҳунар ўрганиб, ўз йўлини топмоқда. Жумладан, яқинда 200 нафар эҳтиёжманд хотин-қиз касбга ўқитилиб, ишга олинди.

Президент улар билан суҳбатда аёлнинг билимли, ҳунарли бўлиши оиланинг катта ютуғи эканини таъкидлади. Корхонага муваффақият, аёлларга оилавий фаровонлик тилади.

Тадбиркорга эркинлик берилса, қўллаб-қувватланса, гуркираб ривожланади. Бунга Шаҳрихон туманидаги “Elegant shoes and” корхонаси яққол мисол. Дастлаб ишни косибчилик шаклида бошлаган тадбиркор охирги тўрт йилда кичик бинода фаолият юритар эди. Ўтган йили тадбиркор ўз маблағи ҳисобидан 8 миллион долларлик янги корхона ташкил этди. Келажакни инобатга олиб, мажмуа 4 қаватли қилиб қурилган.

Президент Шавкат Мирзиёев мазкур корхона фаолияти билан танишди.

Ускуналар Туркия ва Хитойдан олиб келинган. Ишлаб чиқаришга туркиялик дизайнер ва технологлар жалб қилинган.

Биринчи босқичда 60 хил пойабзал ва чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Ҳозир бу ерда 500 киши меҳнат қилмоқда. Иккинчи босқичда яна шунча иш ўрни ташкил этилади.

Корхонанинг асосий мўлжали экспорт. Жорий йилда бу кўрсаткични 4 миллион долларга етказиш режалаштирилган. Тадбиркор Европа бозорига чиқмоқчи эканини айтди. Давлатимиз раҳбари бу бўйича мутасаддиларга кўрсатма берди.

— Чарм саноати ҳам драйверга айланяпти, корхоналар кўпайяпти, — деди Шавкат Мирзиёев. — Энди уларга кафолатланган хомашёни таъминлаб бериш керак. Иккинчидан, касаначилик асосида уйда ўтирган аёлларни ҳам жалб қилиш зарур. Умуман, бундай илғор корхоналарнинг ривожланишига кўмак бериб, кластерга айлантириш мумкин.

Мутасаддиларга илмий институтларга буюртма бериб, импорт бўлаётган хомашё материалларини маҳаллийлаштириш бўйича топшириқ берилди.

Давлатимиз раҳбари корхонада ишлаётган хотин-қизлар билан суҳбатлашди.

— Бугун Андижонга тадбиркорликни кенгайтириш, барқарор энергия манбалари яратиш, одамларнинг даромадини ошириш учун келдик. Ойликларингиз қачон ошади? Чиқарилаётган маҳсулотнинг бозори чаққон бўлса. Бунинг учун сифат, билим, малака керак. Шу боис, хотин-қизларимизнинг касб эгаллашига алоҳида эътибор қиляпмиз. Она рози бўлса, оила ҳам, жамият ҳам рози бўлади, — деди Президент.

Давлатимиз раҳбари Мурожаатномасида мактаб ўқувчиларини хорижий тиллар ва касб-ҳунарга ўргатиш заруратини айтган эди. 20 январь куни бу борадаги вазифалар бўйича йиғилиш бўлиб ўтди. Туман ва маҳаллаларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, ўқувчилар мактабнинг ўзида 64 хил ишчи касбларга ўргатилиши режалаштирилди.

Бу мақсад жойларда ҳаётга кўча бошлади. Хусусан, Андижон туманидаги 55-умумтаълим мактаби таъмирланиб, қўшимча шароитлар яратилди. Мактабнинг бўш турган ертўласи тадбиркорларга ажратиб берилиб, ёшларни касбга йўналтириш йўлга қўйилди.

Президентимиз ушбу хоналарни кириб кўрди.

Мактабнинг юқори синф ўқувчилари бу ерда тикувчилик, мебелчилик, қандолатчилик, косибчилик, сават тўқиш, кўрпа-тўшак тикиш каби йўналишларни ўрганмоқда. Шунингдек, мактаб ҳудудида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, пайвандлаш, типография, компьютер хизмати ва салонлар ташкил этилган.

Давлатимиз раҳбари касб ўрганаётган ёшлар билан суҳбатлашди.

— Эътибор берсангиз, касб эгаллаш учун ёшларнинг ўзи ҳам, ота-оналари ҳам ҳаракат қилиши керак. Ўқишни битирганлар ҳаётда қийналади, иш тополмайди. Кимнинг қўлида ҳунари бўлиб, чет тилини билса, йўли очиқ. Сизларда шундай имконият бор. Ўзингизни қийнаб, қунт билан билим олинг, ҳунар ўрганинг. Қарорлар, саъй-ҳаракатлар қачон натижа беради? Мутахассис зўр бўлса. Инвесторлар ҳам кадрларнинг билим ва малакасига ишониб келади. Мамлакатимизнинг энг катта бойлиги — ёшлар, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз Андижон туманидаги Садда таги маҳалласида бўлиб, аҳоли турмуши билан яқиндан танишди.

Бу маҳаллада 3 минг 600 нафардан ортиқ аҳоли яшайди. Оилалар ердан унумли фойдаланишнинг ҳадисини олган. Кейинги йилларда “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури асосида паррандачилик, узумчилик ривожланмоқда, иссиқхоналар ташкил этилмоқда. Шунингдек, маҳалла ҳудудида тўқимачилик корхонаси, озиқ-овқат дўконлари ва устахоналар бор.

Ўтган йили маҳалла биноси янгидан қурилиб, кўчалар таъмирланди, ишкомлар барпо этилди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшларнинг бўш вақтини самарали ўтказиш бўйича қилинаётган ишлар бу маҳалла ҳаётида ҳам сезилмоқда. Буни маҳаллада ишсизлик камлиги, ўтган йили бирорта ҳам жиноят бўлмаганида ҳам кўриш мумкин.

Давлатимиз раҳбари шу ерлик Диёр Мамадалиев хонадонида меҳмон бўлди.

Маълумки, Андижон вилоятида аҳоли зич жойлашган. Уй-жойга талаб катта. Жумладан, Мамадалиевлар уйида ҳам беш оила яшаётганди. Шу боис хонадон ҳовлисида тажриба тариқасида йиғма уйлар қурилди. Улар камхарж, иссиқ-совуқ ва ёнғинга чидамли, қуриш ҳам осон.

Президент мезбонларни янги уйлар билан муборакбод этди. Бинонинг лойиҳаси, қурилиш материалларига эътибор қаратди.

— Уй инсоннинг энг асосий эҳтиёжларидан бири. Ҳам давлат, ҳам тадбиркорлар томонидан кўплаб турар жойлар қурилаётгани халқимиз манфаатини таъминлаяпти. Танлов имкониятини кенгайтириш учун, эҳтиёжмандлар учун бундай арзон уйлар ҳам керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бундай уйларни кўпайтириш, улар учун зарур қурилиш материалларини маҳаллийлаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев 2021 йил 17 июнь куни Андижон туманидаги адирликда Янги Андижон шаҳарчаси қурилишига пойдевор қўйган эди. Бугунги кунда кўп қаватли уйлар, мактаб ва боғчалар қад кўтармоқда.

1 февраль куни бу ерда қайта тикланувчи энергия манбаларини оммалаштириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш чоралари бўйича йиғилиш ўтказилди.

Мамлакат иқтисодиёти ва аҳоли ўсиши билан электр истеъмоли ҳам кундан-кунга ошмоқда. Сўнгги беш йилда юртимизда хонадонлар 1 миллион 200 мингтага кўпайди, корхоналар сони эса 260 мингтага етган. Булар электр энергиясига бўлган талабни 35 фоизга оширди. Хусусан, Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида электрга талаб 40 фоизга кўпайган.

— Бундай шароитда энг тўғри ечим қайта тикланувчи энергия манбаларини кўпайтириш, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу боис, йиғилишда қуёш ва шамол станциялари лойиҳаларига эътибор қаратилди.

Бу йил Поп ва Фарғона туманларида 600 мегаваттли 2 та қуёш станцияси қурилиши режалаштирилган. Андижонда 41 та, Наманганда 32 та ва Фарғонада 27 та микро гидроэлектр станция қуриш имконияти бор.

Давлатимиз раҳбари йирик корхоналарда ҳам қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш, умуман, уларни электр билан ўзини ўзи таъминлашга ўтказиш кераклигини таъкидлади.

Ижтимоий объектларда қуёш энергиясидан фойдаланиш учун алоҳида компания ташкил этилади. Унга 200 миллион доллар маблағ берилади. Компания қуёш панеллари ва сув иситиш қурилмаларини ўзи ўрнатади ҳамда бюджет корхонасига “яшил энергия” сотади. Шунингдек, ижтимоий объектлардаги 3 мингта эскирган қозонларни замонавий ускунага алмаштириш зарурлиги қайд этилди.

Энергия ресурсларини иқтисод қилиш чоралари кўрсатиб ўтилди. Аҳолининг қуёш энергиясидан фойдаланиши учун жозибадор тизим яратиш вазифаси қўйилди.

Йиғилиш кун тартибидаги иккинчи масала камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш ҳақида бўлди.

Маълумки, бу борада вилоятларда зарур шароитлар яратилмоқда. Хусусан, 31 январь куни имзоланган Президент қарорига кўра, оилавий тадбиркорлик учун имтиёзли кредитларга Андижон вилоятига 1,1 триллион сўм ажратилади.

Сўнгги икки йилда аҳолига деҳқончилик учун 8 минг гектар ҳосилдор экин ерлари берилган, 2023 йилда яна 10 минг гектар ер тарқатилади. Маҳаллаларда саноатни ривожлантириш учун 36 та микромарказ ташкил этилади.

Давлатимиз раҳбари ишбилармон ва меҳнатсевар одамлар юрти бўлган Андижонни ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш мумкинлигини таъкидлади.

Дарҳақиқат, бу йил вилоятда 800 миллион долларлик 235 та инвестиция лойиҳаси якунланиб, 40 минг киши иш билан таъминланади. Аҳолига ажратиладиган 10 минг гектарда 75 мингта доимий ва 200 мингта мавсумий иш жойи очилади.

Ишсиз одамларни касб-ҳунарга ўқитиш, маҳаллаларда ижтимоий ва тадбиркорлик инфратузилмасини яхшилаш бўйича ҳам вазифалар белгиланди.

Туман ва шаҳар ҳокимлари аҳоли бандлигини ошириш режалари юзасидан ахборот берди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Андижон вилоятига ташрифи якунланди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Икром АВВАЛБОЕВ,**
**ЎзА мухбирлари**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

# КАМБАҒАЛЛИККА ҚАРШИ КУРАШНИНГ МИЛЛИЙ ВА ЎЗИГА ХОС ИМКОНИЯТЛАРИНИ НАМОЙИШ ЭТГАН ЙИЛ

**Жорий йил 25 январда Президентимиз раислигида камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда келтирилган маълумотлар Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш жараёнлари жаҳон трендидан натижадорроқ эканини кўрсатибгина қолмай, балки ўтган йил 1 январдан жорий этилган “маҳаллабай” тизимининг юқори самарадорлигини ҳам намоён этди. Келинг, энди ушбу йўналишда ўтган йили эришилган ютуқлар ва жорий йил режалари ҳақида сўз юритамиз.**

Ўзбекистонда кучли ижтимоий сиёсат юритилмоқда. Президентимизнинг Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида таъкидланганидек, Янги Ўзбекистонни “ижтимоий давлат” тамойили асосида қуриш, инсонларга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун тенг имкониятлар, муносиб ҳаёт кечиришига зарур шароитлар яратиш, камбағалликни қисқартириш мақсадлари белгиланди. Шу боис, Ўзбекистонда ижтимоий муҳофаза учун ажратилаётган харажатлар йилдан-йилга ортиб бормоқда. Масалан, 2018 йилда улар 35 триллион сўмни, 2019 йилда 61,3 триллион сўмни, 2020 йилда 74,2 триллион сўмни, 2021 йилда 85,3 триллион сўмни, 2022 йилда эса 105,5 триллион сўмни ташкил этди.

Давоми 3-бетда

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

# ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ

## Халқаро лойиҳалардан Ўзбекистон тажрибаси томон

**Юртимизда маълум муддат давом этган аномал совуқ ва паст ҳарорат озиқ-овқат хавфсизлиги масаласини яна бир бор кун тартибига чиқарди. Маҳсулотларни сақлаш қийинлашган бир вақтда, ҳам деҳқон ва тадбиркорлар, ҳам аҳоли учун энг мақбул ечимни топиш, бозорларда нарх-наво барқарорлигини ушлаб туриш ҳар қачонгидан долзарб вазифага айланди. Мутахассисларнинг айтишича, мамлакатимизда озиқ-овқат захираси ва уларни сақлаш имкониятлари етарли, нархлар ҳам аста-секин барқарорлашмоқда.**

Давоми 4-бетда

www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ

# МАМЛАКАТНИНГ МУКАММАЛ КАДАСТР ХАРИТАСИ қандай мақсадларга хизмат қилади?

**Қобил БЕРДИҚУЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги бошқарма бошлиғи**

**Дунёдаги ҳар бир мамлакат ўз аҳолиси сони ва унинг яшаш ҳолати бўйича ишончли маълумотга эга бўлиш мақсадида рўйхатга олиш ишларини олиб боради. Мазкур жараён ҳар беш ёки ўн йилда амалга оширилади.**
**Бу халқаро амалиётга доир тамойил. Ўзбекистонда эса аҳолини рўйхатга олиш илк бор 1897 йилда амалга оширилган. Шундан сўнг 1926, 1939, 1959, 1970, 1980, 1989 йилда ўтказилиб, энг охиргисида республикамизда 19,7 миллион аҳоли яшаётгани қайд этилган.**

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 2015 йил 10 июнда “2020 йилда аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш борасидаги принциплар ва тавсиялар” резолюциясини қабул қилди. Унга кўра, БМТга аъзо давлатлар мазкур 10 йиллик раундда камида бир марта аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олишни ўтказиши белгилаб қўйилди.

Ўзбекистонда ҳам аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган. Бунга 2020 йил 16 мартда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги қонуни ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

**Сўнгги юз йилда Ўзбекистонда доимий аҳоли сонининг ўзгариши**
*(2023 йилнинг 1 январь ҳолатига, миллион киши)*

## Бу нима учун керак?

Энг аввало, аҳолининг аниқ сони, ёши, жинси, фуқаролиги, миллий таркиби (барча яшаш жойлари бўйича), оилавий аҳволи, маълумоти, касби, уй-жой билан таъминланганлик даражаси, турмуш шароитлари, меҳнат ресурслари, бандлиги ва ишсизлиги, даромад манбалари каби жиҳатлар бўйича батафсил маълумот тўпланади. Мазкур кўрсаткичлар орқали эса, аҳоли жон бошига тўғри келадиган макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳисобланади. Бу, ўз навбатида, республика ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, аёллар ва болалар саломатлигини яхшилаш ҳамда оилаларга ёрдам кўрсатиш бўйича дастурларни мазмунли ишлаб чиқиш имкониятини кенгайтиради. Бундан ташқари, аҳоли миграцияси бўйича аниқ маълумотларни шакллантиради.

Шу билан бирга, уй-жойлар инфратузилмасини яхшилаш, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва жойлаштириш бўйича қисқа, ўрта ва узоқ муддатли прогнозлар, дастурларни ишлаб чиқишда бу маълумотлар ниҳоятда қўл келади. Бунинг натижасида Миллий барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш кўрсаткичларини шакллантириш ва мониторингини юритиш, халқаро ташкилотлар ҳамда фойдаланувчилар таҳлиллари учун кенг қамровли ахборот манбаи юзага келади.

Амалдаги ҳисобга кўра, 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига республикамиз доимий аҳолиси сони қарийб 36 миллион 25 минг кишини, шундан шаҳар аҳолиси 18 миллион 335,7 минг, қишлоқда яшовчилар сони 17 миллион 689,2 минг кишини, уларнинг 50,3 фоизини эркаклар, 49,7 фоизини эса аёллар ташкил этди.

Мамлакатимиз тараққиёти йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар инсон қадрини улуғлаш, аҳоли даромадларини ошириш ва уларга муносиб турмуш шароитларини яратишга қаратилган. Лекин жорий ҳисоб бўйича мавжуд ахборот аҳоли сони, яшаш шароити, маълумоти, бандлиги, ёш-жинс таркиби, миллат таркиби, ҳудудларда уларнинг жойлашуви ва бошқа ижтимоий-демографик ўзига хосликлар тўғрисида аниқ хулоса ҳамда таҳлиллар қилишга етарлича имконият бермаяпти.

Шунинг учун Президентимизнинг тегишли фармони ва ҳукумат қарорларига асосан, республикамизда аҳолини рўйхатга олишга пухта тайёргарлик кўриш юзасидан тизимли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Бу жараёнда ҳудудларнинг харитолари янгиланади, маҳаллалардаги ноаниқ кўчалар номланади, аҳоли яшаётган турар ва нотурар жойлар рўйхати тузилиб, рақамланмаган хонадонлар рақамлаштирилади.

Янада аниқроқ айтганда, турар ва нотурар жойларнинг сони, ҳолати, фойдаланилмай ётган ёки муддатини ўтаб бўлган биноларни белгилаб олиш билан бир қаторда, тегишли ҳудудларда уй-жой, саноат объектларини қуриш ва таъмирлаш масалаларига ойдинлик киритиш мумкин бўлади. Ана шу тадбирлар орқали республикамизнинг янги, мукаммал кадастр харитаси яратилади.

Аҳолини рўйхатга олишни халқаро андазаларга мос, юқори савияда ташкил этиш мақсадида БМТ Аҳолишунослик бўйича жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда хорижий экспертларни жалб этган ҳолда, ҳудудларнинг хариталарини янгилаш, турар ва нотурар жойларнинг аниқ сонини тузиб чиқиш масалалари юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Унга мувофиқ, БМТ Европа статистиклари конференциясининг “2020 йил раундида аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш бўйича тавсиялари” асосида 2022 йил август ойида республикамиздаги барча маҳаллаларнинг хариталари жойидаги ҳолатга мослиги ўрганиб чиқилди ва турар жойлар ҳамда нотурар бинолар рўйхати тузилди. Мазкур жараёнларга республика бўйича жами олти минг нафардан ортиқ шахс уй-жойлар рўйхатини тузувчи ходим (регистратор) сифатида шартнома асосида ишга жалб этилди.

Регистраторлар 2022 йил 1-3 август кунлари статистика идоралари мутахассислари томонидан махсус дастур асосида ўқитилди ва танланма равишда маҳаллаларга чиққан ҳолда, уларнинг амалий кўникмалари оширилди. 4-31 август кунлари эса регистраторлар томонидан ўзларига бириктирилган ҳудудларга чиққан ҳолда, маҳалла хариталарининг жойидаги ҳолатга мослиги ўрганилди ва аҳоли сонига аниқлик киритилиб, уйлар ва хонадонлар ҳамда аҳоли яшаётган нотурар жойлар рўйхати шакллантирилди.

## Ўрганишлар бир қатор камчиликларни кўрсатди

Биринчидан, мамлакатимиз бўйича 1 068,7 минг хонадон рақамланмаганлиги аниқланди. Бу жами хонадонларга нисбатан 17,2 фоизни ташкил этди. Хонадонларнинг тўлиқ рақамлаштирилиши тез ёрдам, ёнғинга қарши курашиш, ички ишлар ва бошқа аҳолига хизмат кўрсатувчи идоралар фаолиятини йўлга қўйишда аниқ манба ҳисобланади.

Иккинчидан, республика бўйича 3 037,8 минг хонадон рақамлари харитадагига мос келмаслиги маълум бўлди. Бу жами хонадонларнинг 48,9 фоизини ташкил этди. Бундай ҳолатлар ҳам аҳолини рўйхатга олиш жараёнида рўйхатга олувчи ходимларнинг турли чалкашликларга йўл қўйишига олиб келиши мумкин.

Учинчидан, Ўзбекистон бўйича 181,9 минг янги қурилган бино ва хонадонлар маҳалла хариталарига киритилмагани аниқланди. Аҳолини рўйхатга олиш жараёнида ҳудудларда яшаётган аҳолини тўлиқ рўйхатга олиш ва уларнинг натижаларини таъминлашда бу каби ҳолатлар салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Тўртинчидан, республика бўйича жами 30,2 мингта бузилган бино ва хонадон харитадан чиқарилмаганлиги маълум бўлди. Бундай ҳолатлар ҳам рўйхатга олувчи ходимларни чалғитиши, рўйхатга олиш жараёнида ортиқча вақт ва меҳнат сарфлашига сабаб бўлади.

Бешинчидан, юртимиздаги 24 минг 45 кўчанинг номи ўзгарган бўлса-да, лекин уларнинг харитага киритилмаганлиги аниқланди.

Шунинг учун мазкур ўрганишлар натижасида аниқланган барча камчиликлар умумлаштирилиб, электрон дастурга киритилди ва таҳлил қилинди. Ҳудудий кадастр ва статистика идоралари билан биргаликда камчиликлар тўлиқ бартараф этилиб, хариталарни янгилаш ишлари амалга оширилди.

Ҳудудлар бўйича Қорақалпоғистон Республикасида 424, Андижон вилоятида 889, Бухорода 544, Жиззахда 301, Қашқадарёда 802, Навоийда 330, Наманганда 792, Самарқандда 1 минг 126, Сурхондарёда 721, Сирдарёда 237, Тошкент вилоятида 1 минг 20, Фарғонада 1 минг 62, Хоразмда 530, Тошкент шаҳрида 579 маҳалланинг хариталари тўлиқ янгиланди.

Аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш юзасидан амалга оширилаётган бу каби ишлар мунтазам равишда агентликнинг расмий веб-сайтида (aholi.stat.uz) ёритиб борилмоқда.

Умуман олганда, мамлакатимиз бўйича 9 минг 357 маҳалланинг хариталари тўлиқ янгиланганлиги амалга оширилган ишлар кўлами ва натижадорлигини яққол кўрсатиб турибди. Янгиланган маҳалла хариталари асосида ҳудудлар бўйича аҳолини рўйхатга олишнинг ташкилий режалари ишлаб чиқилади ва рўйхатга олиш жараёнига жалб этиладиган ходимлар сони аниқланади.

Маҳалла хариталарининг тўлиқ ва тўғри бўлиши аҳолини рўйхатга олишни сифатли ташкил этиш, сарфланадиган маблағлардан самарали фойдаланилишини таъминлашда асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Олдинда қилинадиган ишларимиз кўп. Уларнинг ўз вақтида амалга оширилиши натижасида юртимизнинг ҳар бир манзили, ҳатто чекка ва олис маҳалла-ю кўчаларигача бўлган барча маълумотларни ўзида акс эттирган ягона ахборот базасига эга бўламиз.

Бу қимматли маълумотлар мамлакатимизнинг кейинги демографик ва ижтимоий сиёсатини белгилаш билан бир қаторда, республика ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш прогнозлари, дастурларини тузишда кенг қўлланилади. Шунингдек, оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган, кейинги ўн йилликка мўлжалланган ижтимоий дастурларни шакллантириш, шифохоналар, болалар боғчалари, мактаблар ва уй-жой қурилишини режалаштиришда кенг фойдаланилади.

Рўйхатга олиш натижаларининг нафақат бугунги кун, балки келажак авлодлар учун ҳам аҳамияти катта. Бугун биз қандай яшаганимиз ва қандай имкониятларга эга бўлганимиз тарихга муҳрланиб, авлодларимиз учун маънавий мерос бўлиб қолади.

> **АМАЛДАГИ ҲИСОБГА КЎРА, 2023 ЙИЛНИНГ 1 ЯНВАРЬ ҲОЛАТИГА РЕСПУБЛИКАМИЗ ДОИМИЙ АҲОЛИСИ СОНИ ҚАРИЙБ 36 МИЛЛИОН 25 МИНГ КИШИНИ, ШУНДАН ШАҲАР АҲОЛИСИ 18 МИЛЛИОН 335,7 МИНГ, ҚИШЛОҚДА ЯШОВЧИЛАР СОНИ 17 МИЛЛИОН 689,2 МИНГ КИШИНИ, УЛАРНИНГ 50,3 ФОИЗИНИ ЭРКАКЛАР, 49,7 ФОИЗИНИ ЭСА АЁЛЛАР ТАШКИЛ ЭТДИ.**

2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

# “ҚУВОНЧДАН КЎЗЛАРИМ ЁШЛАНДИ”

**— Жорий йил давлатимиз раҳбари томонидан “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб эълон қилинганда, бу йил аҳолига бериладиган эътибор яна ҳам кучаяр экан, деб кўнглимдан ўтказгандим, — дейди Арнасой туманидаги Гулбаҳор маҳалласида яшовчи Оқтўти Оқмирзаева. — Буни қарангки, янги йилнинг иккинчи ҳафтасида уйимизга республика ишчи гуруҳи вакиллари ташриф буюрди. Шароитимизни кўздан кечирди. Оиламиз аъзолари билан суҳбатлашди. Икки кун ўтиб эса ишчи гуруҳ томонидан уйимизга барча зарур уй-рўзғор буюмлари, маиший техника воситалари озиқ-овқат ва бошқа зарур маҳсулотлар келтириб берилди. Буни кўриб кўзларим қувончдан ёшланди. Мана, инсонга эътиборнинг яққол намунаси. Шундай савоб ишларга бош-қош бўлаётганлар ҳақига дуо қилдим. Илоҳим, умрларидан барака топсин.**

Дарҳақиқат, жорий йил арнасойликлар учун хушхабарлар билан бошланди. Аввало, Арнасой тумани бешинчи тоифага киритилди. Бу эса туман аҳолиси ҳамда тадбиркорлари учун қатор имконият ва имтиёзларни тақдим этди. Иккинчидан, туманда Оққўрғон тажрибаси асосида аҳоли муаммолари ва ижтимоий-иқтисодий масалаларни ўрганиш ҳамда ҳал этиш бўйича секторлар ва 13 маҳалла кесимида “хонадонбай” иш олиб борилди.

Янги йилнинг иккинчи ҳафтасида 18 вазирлик ва идора, вилоят, туман секторлари, соҳавий ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари иштирокида ишчи гуруҳлар ва тезкор штаблар тузилиб, ҳудуддаги 6830 хонадон, 960 ижтимоий ва бошқа соҳа объектлари аҳволи ўрганилди.

Уйма-уй юриш давомида 1580 хонадондаги муаммолар аниқланиб, 1217 таси ҳал этилди, 363 та масала бўйича ишлар назоратга олинди.

Ишчи гуруҳнинг ўрганиши мамлакатимизда кузатилган аномал совуқ кунларига тўғри келди. Шу сабабдан, уларнинг эътибори, биринчи навбатда, аҳолини табиий ва суюлтирилган газ, электр, кўмир билан таъминлашга қаратилди.

Қаҳратон қиш кунлари хонадонларда барқарор иссиқликни таъминлаш учун 660 тонна кўмир тарқатилди. Аҳоли талабидан келиб чиқиб, 7 минг 477 газ баллон алмаштирилди, қўшимча 1 минг 565 газ баллони етказиб берилди. 53 газ тақсимлаш пункти техник кўрикдан ўтказилди, 66 аҳоли хонадонидаги газ жиҳозлари созланди. Электр таъминотини яхшилаш мақсадида 3 трансформатор ўрнатилди, 10 таси таъмирланди, 58 темир бетон устун ўрнатилиб, 1,7 километрга тармоқ тортилди. Хусусан, биргина Ғафур Ғулом маҳалласидаги 12 ёғоч устун темир-бетон устунга алмаштирилиб, 2 трансформатор таъмирланди.

Чўлқувар маҳалласида 3,5 километрга ичимлик сув тармоғи тортиш ишлари бошланди. Ғафур Ғулом, Бобур, Зарафшон маҳаллаларида сув ҳисоблагич ўрнатиш, сув қувурини таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Олтин водий маҳалласидаги Марказий сув узатиш иншоотидаги 2 та насос таъмирланиб, қайта ишга туширилди.

Бўстон ва Дўстлик маҳаллаларида аҳоли томорқаларини суғориш учун 4,5 километр масофага ички ирригация тизими янгидан қурилди.

20,3 километр ички йўл таъмирланди. Шундан 1,5 километри асфальт қилинди ва 18,8 километр йўлга қум-шағал ётқизилди.

— Янги йил нафақат оиламиз, балки бутун туманимиз аҳолиси учун хайрли бошланди, десам муболаға бўлмайди. Бизнинг Чинобод маҳалламиз 2-секторга қарашли. Қарийб бир ҳафтадан буён туман ва вилоят раҳбарлари, Тошкентдан келган мутасаддилар уйма-уй юриб, шароитларимизни ўрганди. Биз билан мулоқот қилиб, муаммоларимизни ҳал этиш чораларини кўряпти. Прокуратура мутасаддилари раҳбарлигидаги ишчи гуруҳи аъзолари оиламизга келиб, шароитимиз билан танишди. Эртасига эса сектор номидан оиламизга бузоқли сигир совға қилишди. Даладан уйга келсам шундай гап. Оиламиз аъзоларининг қувончини кўрсангиз. Тўғриси, ўзим хижолат ҳам, хурсанд ҳам бўлдим. Анчадан бери сигир олиш ниятимиз бор эди-ю, шароитимиз кўтармаётганди. Бу оиламиз бюджетига катта ёрдам бўлди. Муҳтожларга ёрдам кўрсатиш яхши фазилат. Аввало, мана шундай савобли ишлар бошида турган барча мутасаддиларга ўз миннатдорлигимни билдираман, — дейди “Чинобод” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Машраб Исроилов.

Аҳоли бандлигини таъминлаш масаласи ҳам ишчи гуруҳ эътиборидан четда қолмади. Жумладан, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” рўйхатида бўлган арнасойлик 100 нафар йигит-қиз “Арнасой голд тех” МЧЖга ишга жойлаштирилди.

Бундан ташқари, яна 43 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланиб, 5 нафар ишсиз фуқаро доимий ишга, 37 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишига жойлаштирилди. Жамоат ишлари жамғармасидан 39 миллион 300 минг сўм маблағ ажратилди.

Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тумандаги 121 нафар фуқарога 337 миллион сўмлик субсидия маблағига 3 турдаги асбоб-ускуна ва меҳнат қуроллари олиб берилди. Шунингдек, 165 нафар фуқарога субсидия асосида 1 миллиард сўмлик асбоб-ускуна ва меҳнат қуроллари билан таъминлаш бўйича ҳоким ёрдамчилари тавсияси тақдим этилди.

Тижорат банклари томонидан 225 тадбиркорлик субъекти ва аҳоли вакилига 4 миллиард 300 миллион сўмлик кредит, жумладан, 191 нафар фуқарога 3 миллиард 100 миллион сўмлик микроқарз, таълим кредити, истеъмол ва ипотека кредитлари ажратилди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида “Аёллар дафтари” рўйхатидаги 106 нафар хотин-қизга 404 миллион 700 минг сўмлик ёрдам кўрсатилди. Жумладан, уларнинг 34 нафарига уй-жой таъмири учун 174 миллион 700 минг сўм, 20 нафарига реабилитация воситалари учун 28 миллион сўм берилди. 4 нафар фуқарога жарроҳлик операцияси учун 58 миллион сўм ажратилди.

> **“Ёшлар дафтари” рўйхатидаги 77 нафар йигит-қизнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш мақсадида 129 миллион 700 минг сўмлик ёрдам кўрсатилди. Олий таълимда ўқиётган 20 нафар эҳтиёжманд оила фарзандларига контракт тўловлари учун 37 миллион 400 минг сўм, 32 нафар оила фарзандларига моддий ёрдам учун 31 миллион 400 минг сўм, 18 нафар ёшга даволаниш учун 24 миллион 300 минг сўм маблағ ажратилди.**

— Ўрганишлар натижасида 1380 нафар аҳоли тиббий кўрикдан ўтказилиб, касаллик аниқланган фуқароларнинг 26 нафари шифохоналарга ётқизилди, 510 нафар фуқаро бепул дори-дармон билан таъминланди. Шунингдек, 13 нафар фуқарога ногиронлик аравачаси ва бошқа реабилитация воситалари берилди ва 4 нафар фуқарога ногиронлик гуруҳи белгиланди, — дейди Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тиббий хизматлар сифатини назорат қилиш бошқармаси бошлиғи Бекзод Оқилов.

Умуман, Оққўрғон тажрибаси асосида туман аҳолисининг кўплаб муаммолари ҳал этилди. Бу мамлакатимизда халқ билан мулоқотнинг янги тизими жорий этилгани, инсонга эътибор, аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш, муаммоларини жойида ҳал этиш каби масалалар давлат сиёсати даражасига кўтарилганининг яна бир исботидир.

**Фарҳод НЕЪМАТОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

# КАМБАҒАЛЛИККА ҚАРШИ КУРАШНИНГ МИЛЛИЙ ВА ЎЗИГА ХОС ИМКОНИЯТЛАРИНИ НАМОЙИШ ЭТГАН ЙИЛ

**Обид ҲАКИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази директори**

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистоннинг ижтимоий сиёсатида камбағаллик муаммосини ҳал этиш алоҳида ўрин тутади. Мамлакатда камбағалликка қарши фаол кураш 2020 йилда — Ўзбекистон ушбу муаммони очиқ тан олган пайтдан бошланди. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини манзилли қўллаб-қувватлаш мақсадида маълумотлар базаси шакллантирилиши йўлга қўйилди. 2021 йилдан бошлаб аҳолининг кам таъминланган қатламини “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритиш орқали рўйхатга олиш механизми жорий этилди. Ёрдамга муҳтож шахсларни тўлиқроқ ҳисобга олиш тизимининг яратилиши орқали 2017 йилда кам таъминланган 500 минг оилага ижтимоий ёрдам кўрсатилган бўлса, бугунги кунда 2,2 миллионни қамраб олинди. Ажратилган маблағ ҳажми 7 баробар кўпайиб, йилига 11 триллион сўмга етди.

Шу ўринда бу борада дунёда рўй бераётган сўнгги тенденцияларни кўрсатиб ўтиш зарур. Ўтган йил охирида Жаҳон банки “Камбағаллик ва умумий фаровонлик 2022: тузатиш курси” ҳисоботини эълон қилди. Унга кўра, COVID-19 пандемиясидан кейин иқтисодий тикланиш нотекис кечди. Энг бой давлатлар пандемиядан паст ва ўрта даромадли мамлакатларга қараганда анча тезроқ тикланди. 2022 йил охирига келиб, 685 миллионгача одам ҳамон ўта қашшоқликда ҳаёт кечирмоқда, бу илгари прогноз қилинганидан 70 миллионга кўп. Озиқ-овқат нархлари ҳаддан ташқари ошиб кетиши, айниқса, даромадининг катта қисмини озиқ-овқатга сарфлайдиган камбағал уй хўжаликлари учун зарарли бўлиши мумкин.

Камбағаллик таҳдидлари тараққиётни камида 4 йилга кечиктирди ва 2030 йилга бориб ўта камбағалликнинг глобал даражаси 7 фоизни ташкил этади. Ҳисоботда келтирилган прогнозларга кўра, дунё аҳолисининг 7 фоизи, яъни тахминан 574 миллионга яқин киши 2030 йилда ҳам ўта қашшоқликда яшайди, бу эса 2030 йилга бориб эришилиши кутилган 3 фоизлик глобал мақсад кўрсаткичидан анча кам. Бундан ташқари, ҳисобот муаллифлари нақд пул ўтказмалари аҳолининг камбағал ва ижтимоий заиф гуруҳларини қўллаб-қувватлашнинг энг самарали механизми эканини таъкидлайди.

Камбағалликни қисқартириш соҳасидаги глобал вазият етарли даражада қулай бўлмаган бир шароитда Ўзбекистонда ўтган йили бу борада қилинган ишлар анча муваффақиятли бўлди. Президентимиз 25 январдаги йиғилишда таъкидлаганидек, ўтган йилнинг ўзида камбағаллик даражаси 17 фоиздан 14 фоизга пасайган. Янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Ўтган йили 200 мингга яқин тадбиркорлик субъекти ташкил қилинди, 10 мингта корхона фаолияти кенгайтирилди ва 11 мингтасининг қуввати тикланди. Давлат дастурлари ижроси, аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш, маҳаллаларнинг ўзида тадбиркорликни бошлашга кўмаклашиш орқали 1 миллион киши камбағалликдан чиқарилди.

## 2022 йилда камбағаллик даражаси динамикаси

Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги ва Жаҳон банки билан ҳамкорликда 2021-2022 йилларда Ўзбекистон аҳолиси фаровонлиги даражасининг ўзгариши бўйича муфассал тадқиқотлар ўтказилди. Бутун республика бўйича 2021 йилда 9,9 минг, 2022 йилда 14,1 минг респондент иштирок этган уй хўжаликлари бюджети бўйича амалга оширилган тадқиқ маълумотлари асосида йил давомида содир бўлган ўзгаришлар таҳлил қилинди.

Бунда сўровда иштирок этган уй хўжаликлари харажатлар миқдори бўйича ўнта гуруҳга бўлиниб, улардан энг кам харажат (даромад)га эга уй хўжаликлари алоҳида ажратилди. Ҳисоб-китоблар МИХ (Минимал истеъмол харажатлари, аҳоли жон бошига кунлик даромад) асосида амалга оширилди.

2022 йил якунлари бўйича ўтказилган сўров натижаларига кўра, Ўзбекистонда камбағаллик даражаси ўтган йилдагига нисбатан тахминан 3 фоиз қисқарган ва 14,1 фоизни ташкил этган (2021 йилда бу кўрсаткич 17 фоиз бўлган). Йил давомида камбағаллик даражасининг энг юқори пасайишига Тошкент, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида эришилди. Шу билан бирга, Фарғона, Навоий, Сурхондарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрида камбағаллик даражаси ошди.

2022 йилда Ўзбекистон бўйича Жини коэффициенти ёхуд даромадлар тенгсизлиги индекси 2021 йилдаги 0,329 дан 0,327 гача қисқарган, бу эса бозор муносабатлари чуқурлашгани сари бутун дунёда бўлгани каби мулк жиҳатидан табақалашиш Ўзбекистон учун ҳам хослигидан дарак беради. Шу билан бирга, мазкур жараён етарли даражада ўртача характерга эга бўлиб, бу ҳукумат сиёсатидаги инклюзив ёндашувдан далолат беради.

Йил давомида аҳоли даромадлари таркиби ҳам ўзгарди. Унда иш ҳақи улуши 63,3 фоизни, қарилик бўйича нафақа улуши 13,3 фоизни, ижтимоий ёрдам ва кичик бизнесдан олинган даромадлар улушлари тегишлича 3,4 ва 2,1 фоизни, хориждан пул ўтказмалари улуши эса 2,6 фоизни ташкил этди.

Бунда иш ҳақи улуши Тошкент, Навоий, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида ўсиб, асосан, ўрта синфга тўғри келган бўлса, кичик бизнесдан олинган даромадларнинг юқори улуши даромадлар даражаси кам бўлганлар гуруҳида қайд этилди. Бундай даромадлар 2021 йилдаги 0,6 фоиздан 2,9 фоизгача ўсган.

Аҳоли даромадлари таркибида иш ҳақига нисбатан пенсиялар ва ижтимоий нафақалар ўсиши кузатилмоқда. Бу эса ўтган йилги оғир иқтисодий шароитларда ижтимоий қўллаб-қувватлаш сезиларли даражада кучайганидан далолат беради. Бундан ташқари, кичик бизнесдан тушаётган даромадлар салмоғи сезиларли даражада ошгани қайд этилмоқда. Мазкур натижага ушбу соҳани имтиёзли кредитлар ва субсидиялар орқали давлат томонидан фаол қўллаб-қувватлаш ҳисобига эришилди. Хусусан, 2022 йилда оилавий тадбиркорликни янада рағбатлантириш мақсадида 12 триллион сўм атрофида имтиёзли кредит ажратилди.

Шунингдек, уй хўжаликларининг қишлоқ хўжалигидан олаётган даромадлари улуши ҳам сезиларли даражада ошиб, 10,4 фоизга етди. 2021 йилда эса бу кўрсаткич 3,4 фоизни ташкил этганди. Энг катта ўсиш Сирдарё (2021 йилдаги 0,1 фоиздан 9,8 фоизгача), Тошкент (1,6 фоиздан 6,6 фоизгача), Самарқанд (1,9 фоиздан 10,5 фоизгача), Жиззах (13,1 фоиздан 2,9 фоизгача) вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида (10,3 фоиздан 1,7 фоизгача) қайд этилди.

Аҳолининг қишлоқ хўжалигидан олаётган даромадлари ўсиши, биринчи навбатда, 2022 йилда аҳолига 100 минг гектар ер ажратилгани билан боғлиқ. Жорий йилда аҳолига қўшимча равишда 100 минг гектар суғориладиган ер берилади. Президентимиз ўз нутқида таъкидлаганидек, бу Самарқанд вилоятидаги пахта ва ғалла далаларининг умумий майдонидан кўпроқдир.

## 2022 йилда камбағалликка қарши кураш

Ўзбекистон ўтган йилда кучли инфляция босими билан характерланган оғир шароитда нафақат камбағаллик даражаси ошишига йўл қўймади, балки уни сезиларли даражада камайтиришга ҳам муваффақ бўлди. Бунга аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган изчил сиёсат ва камбағалликни камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳисобига эришилди.

**2022 ЙИЛ ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН СЎРОВ НАТИЖАЛАРИГА КЎРА, ЎЗБЕКИСТОНДА КАМБАҒАЛЛИК ДАРАЖАСИ ЎТГАН ЙИЛДАГИГА НИСБАТАН ТАХМИНАН 3 ФОИЗ ҚИСҚАРГАН ВА 14,1 ФОИЗНИ ТАШКИЛ ЭТГАН (2021 ЙИЛДА БУ КЎРСАТКИЧ 17 ФОИЗ БЎЛГАН). ЙИЛ ДАВОМИДА КАМБАҒАЛЛИК ДАРАЖАСИНИНГ ЭНГ ЮҚОРИ ПАСАЙИШИГА ТОШКЕНТ, ҚАШҚАДАРЁ ВА ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТЛАРИДА ЭРИШИЛДИ. ШУ БИЛАН БИРГА, ФАРҒОНА, НАВОИЙ, СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТЛАРИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА КАМБАҒАЛЛИК ДАРАЖАСИ ОШДИ.**

Президентимизнинг 2021 йил 3 декабрдаги “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида”ги фармонига мувофиқ, 2022 йил январдан ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овул, шунингдек, маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчиси лавозими таъсис этилган эди.

Янги бўғин фаолиятини давлат органлари билан мувофиқлаштириш учун Ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш бўйича республика комиссияси тузилди. Яъни ўтган йилнинг ўзида қисқа вақт ичида камбағалликка қарши курашиш ва ҳудудлар ҳамда қишлоқ жойларни иқтисодий ривожлантириш бўйича ҳар бир аҳоли пункти, ҳар бир маҳаллага етиб борувчи янги механизмнинг яхлит тизими шакллантирилди.

Ўтган йил давомида “маҳаллабай” тизими самарали ва таъсирчанлигини кўрсатди. Жойларда мазкур тизим доирасида аниқланган муаммоларни ҳал қилиш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, бандлигини таъминлаш ва тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 12,5 триллион сўм (1 миллиард доллар) миқдорида маблағ ажратилди. Ушбу маблағ ҳисобидан 1,2 миллион киши доимий иш билан таъминланди, 997 минг киши ўзини ўзи банд қилиш имкониятига эга бўлди. 101 минг киши (ёлланма ишчилар билан бирга) якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатга олинди. 158 минг киши ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди, 418 минг фуқарога ижара асосида ер ажратилди.

“Оилавий тадбиркорлик” дастури доирасида ҳоким ёрдамчилари томонидан тавсия этилган 388 минг лойиҳа учун 9 триллион сўм миқдорида кредит, шунингдек, 174 миллиард сўм субсидия берилди.

Мазкур маблағлар ҳисобидан “маҳаллабай” тизими доирасида амалга оширилаётган 48 мингдан ортиқ микролойиҳадан 47 мингтаси ишга туширилди, 84 минг юридик ва 95 минг якка тартибдаги хўжалик субъекти рўйхатга олинди, 232 минг атрофида иш ўрни яратилди. Бундан ташқари, 243 минг фуқаро касб-ҳунарга ва тадбиркорликка ўқишга йўналтирилди. 195 минг фуқаро “Ишга марҳамат” мономарказлари ва бошқа нодавлат таълим муассасаларини тамомлади.

Шунингдек, “маҳаллабай” тизими доирасида жойларда аҳоли учун янада қулай яшаш шароитлари яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадларда 20,6 минг километр ички йўл таъмирланди, маҳалла ҳудудларидан ўтувчи 10,6 минг километр йўл асфальтланди, 1,8 минг километр пиёдалар йўлаклари қурилди. 6,5 мингта трансформатор, 178 мингта электр узатиш тўсини, 151,7 мингта йўл чироғи алмаштирилди. Шунингдек, 40,7 минг километр ариқни тозалаш ҳамда 9,3 минг вертикал ва кичик суғориш қудуғини қуриш ҳисобига 332 мингдан ортиқ аҳоли томорқаси сув билан таъминланди.

Бундан ташқари, 2022 йилда мамлакат тарихида биринчи марта пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори энг кам истеъмол харажатларидан паст бўлмаган даражага оширилди.

Камбағалликни қисқартириш бўйича чоралар самарадорлигини оширишда Президентимизнинг ўтган йил охирида қабул қилинган “Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Ўтказилаётган маъмурий ислоҳотлар доирасида камбағалликни қисқартиришга масъул бўлган 5 муассаса Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг ягона тизимига айлантирилиб, унга барча ташкилий имкониятлар ва молиявий ресурслар тақдим этилди. Бир-бири билан кесишувчи масалалар: меҳнат ресурслари ва ишсизлик ҳисобини юритиш, аҳоли бандлиги ва маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш кабиларнинг бир вазирлик доирасида жамланиши келгусида уларнинг янада самарали ҳал этилишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Шу тариқа, ўтган йили Ўзбекистонда камбағалликни қисқартиришга йўналтирилган кенг қамровли ва комплекс ташкилий тузилма шакллантирилди ҳамда қисқа вақт давомида юқори самарадорлигини кўрсатди.

## Жорий йилда камбағалликни қисқартириш траекторияси

Президентимизнинг Олий Мажлисга ва халқимизга Мурожаатномасида 2023 йилда камбағалликни қисқартириш бўйича юритилаётган сиёсатнинг устувор йўналишлари кўрсатиб ўтилди.

Хусусан, маҳаллалар даражасида турмуш шароитини яхшилаш ва камбағалликни бартараф этиш борасидаги ишлар давом эттирилади, жумладан, барча давлат инвестиция дастурлари маҳаллалар кесимида шакллантирилади. Маҳаллаларнинг молиявий жиҳатдан мустақиллигини ошириш мақсадида “Маҳалла бюджети” тизимини жорий этиш доирасида 2023 йил 1 январдан бошлаб мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича тушумларнинг бир қисми маҳалланинг ўзида қолади. 2023 йилда аҳоли ташаббуси билан амалга оширилаётган лойиҳаларни рўёбга чиқариш учун қарийб 3 баробар кўп ёки 8 триллион сўм ажратилади.

Шунингдек, 2023 йилда ўз шароитлари ва салоҳиятидан келиб чиқиб, 5 тоифага бўлинган ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий тенгсизликни қисқартиришни таъминловчи механизмга асос солинди. Хусусан, тадбиркорлик ҳар томонлама ривожланган туманлар 1-тоифага, инфратузилмаси яхши бўлган туманлар 2-тоифага, шароити нисбатан қониқарли бўлган туманлар 3-тоифага, бизнес учун етарлича жозибадор бўлмаган туманлар 4-тоифага, шароити оғир туманлар эса 5-тоифага киритилди. Туманнинг муайян тоифасидан келиб чиқиб, тадбиркорлар учун субсидия, кредит ва компенсациялар ажратилади, солиқ ставкалари ҳам ҳар хил бўлади. Бешинчи тоифага кирувчи туманлар учун айланмадан олинадиган солиқ, фойда солиғи ва ижтимоий солиқ ставкалари 1 фоиз миқдорида белгиланади, якка тадбиркорлар эса қатъий ставкадаги солиқларни тўлашдан озод этилади.

**Уй-жой муаммосини ҳал этиш учун икки йил аввал бошланган имтиёзли шартлар асосида ипотека кредитлари бериш дастури давом эттирилиб, Тошкент вилоятида “Менинг биринчи уйим” янги ипотека дастури ишга тушади ва унинг доирасида, биринчи навбатда, турар жойга эҳтиёжи бор ёш оилалар учун уй-жойлар барпо этиш кўзда тутилган. Янги уй-жойлар қурилиши ҳажми 1,5 баробар оширилиб, 90 минг хонадон ва ҳовлига етказилади.**

Шу билан бирга, Президентимиз 2023 йилда камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирларга аниқлик киритди. 2023 йилга мўлжалланган аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларини туманлар кесимида янада пухта ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда 4- ва 5-тоифали туманларда камбағалликни қисқартириш бўйича ишларни янгидан ташкил этишга қарор қилинди. Хусусан, **биринчи босқичда** “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари” ягона тизимга бирлаштирилиб, ҳар бир оила учун ягона рақамли паспорт ишлаб чиқилади. **Иккинчи босқичда** ҳар бир оила учун камбағалликдан чиқиш бўйича индивидуал дастурлар тайёрланади. **Учинчи босқичда** тадбиркорлик ва касб-ҳунарга ўқитиш лойиҳалари амалга оширилади. Шу мақсадда маҳаллаларда 300 та микромарказ ташкил этиш бўйича ишлар бошлаб юборилди. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига Савдо-саноат палатаси билан биргаликда ҳар бир туман бўйича тадбиркорликни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш топширилди.

**“ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК” ДАСТУРИ ДОИРАСИДА ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ТАВСИЯ ЭТИЛГАН 388 МИНГ ЛОЙИҲА УЧУН 9 ТРИЛЛИОН СЎМ МИҚДОРИДА КРЕДИТ, ШУНИНГДЕК, 174 МИЛЛИАРД СЎМ СУБСИДИЯ БЕРИЛДИ.**

Президентимиз алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган йўналишларга ҳам тўхталиб ўтди. Аввало, оилавий тадбиркорликни янада рағбатлантириш мақсадида молиявий қўллаб-қувватлаш кўлами кенгайтирилади. Жорий йилда оилавий бизнес дастурига 12 триллион сўм ажратилиб, бундай кредитларнинг максимал миқдори оширилади. Хусусан, жорий йил 25 январда Президентимизнинг “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Унга кўра, 2023 йилда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун “Агробанк”, “Микрокредитбанк” ва Халқ банкига 300 миллион АҚШ доллари эквивалентидаги маблағ 3 йиллик имтиёзли давр билан 7 йил муддатга 10 фоиз ставкада ажратилади.

Яна бир йўналиш — бандликнинг муҳим манбаи ҳисобланган қишлоқ хўжалиги. Президентимиз аҳоли учун қулай жойлардан томорқалар ажратиш, бозорда харидоргир бўлган маҳсулотлар етиштиришни йўлга қўйиш бўйича топшириқлар берди. Давлатимиз раҳбари ушбу ер майдонларидан самарали фойдаланган ҳолда 1 миллиард долларлик маҳсулот етиштириш мумкинлигини таъкидлаб ўтди.

## Хулоса

Дунёнинг аксарият мамлакатларида камбағалликка қарши кураш халқаро ташкилотлар тавсияларига асосланган тайёр рецептлар асосида олиб борилаётган бўлса, Ўзбекистонда қисқа вақт ичида камбағалликни қисқартиришнинг ўзига хос ташкилий модели шакллантирилиб, ўтган йили жорий этилди ва ижобий натижаларни кўрсата бошлади.

Бунда хорижий тажрибадан фойдаланилмади, деб бўлмайди. Чунки уни ишлаб чиқишда ўтган асрнинг 60-йилларидаги АҚШнинг (ривожланган ва депрессив штатларнинг турмуш даражасини тенглаштириш имконини берган), Жанубий Кореянинг 70-йиллардаги “Янги қишлоқ учун ҳаракати”ни кенгайтириш тажрибалари, шунингдек, сўнгги ўн йилликларда Хитойда камбағалликка қарши курашиш бўйича ҳаракатларнинг умуммиллий хусусияти чуқур ўрганилди ва мулоҳаза қилинди. Шунга қарамай, “маҳаллабай” тизими бугунги кунда ҳам молиялаштириш манбалари, ҳам аҳолини қамраб олиш ва самарадорлиги жиҳатидан ўзига хос ташкилий тузилма ҳисобланади. Яъни бу Ўзбекистоннинг ҳозиргача дунёда ўхшаши бўлмаган миллий йўлидир.

Хорижлик мутахассислар юртимизда жорий этилган “маҳаллабай” тизимига ҳозирдан катта қизиқиш билдирмоқда. Хусусан, жаҳоннинг камбағалликка қарши курашиш масалалари бўйича етакчи институти бўлган J-PALнинг Ўзбекистонга ташриф буюрган вакиллари Киллиан Нолан ва Карла Петерсен ҳоким ёрдамчилари институти эҳтиёжманд аҳоли қатламининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатларни қаерга йўналтириш кераклигига доир тадқиқот ўтказиш учун жуда қизиқ мавзу эканини, чунки жойлардаги ҳукумат органлари ҳар доим ушбу масалалар бўйича кўпроқ маълумотларга эга бўлишини таъкидлаб ўтди.

Мазкур тизимнинг ўтган йилги муваффақиятли ва самарали фаолияти 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида камбағалликни қисқартириш бўйича белгиланган мақсадларга, яъни ўта камбағалликка барҳам бериш, нисбий камбағаллик даражасини 2 баробар камайтириш бўйича ишлар муваффақиятли амалга оширилишига ишонч ҳосил қилиш имконини беради.

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

# ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ

## Халқаро лойиҳалардан Ўзбекистон тажрибаси томон

**Ирода ТОШМАТОВА,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

Бошланиши 1-бетда

Аммо бу жаҳон бозори билан ҳам боғлиқ масала. Яъни дунёда аҳоли сонининг ортиши, иқлим ўзгариши, табиий ресурс ва озиқ-овқат тақчиллиги ушбу турдаги маҳсулотлар нархига сезиларли таъсир кўрсатаётгани ҳам бор гап. Халқаро экспертлар бу борадаги кўрсаткич яна ўсишда давом этишини башорат қилмоқда.

Табиийки, ҳар бир давлат ўзига мос усулни танлайди. Бизда эса қишлоқ хўжалиги соҳасида яқин йилларда бошланган катта ислоҳотлар жадал давом этмоқда ва мураккаб вазиятларда ҳам ўз самарадорлигини кўрсатяпти. Йилда бир неча маротаба ҳосил олиш, сифатли озиқ-овқат етиштириш, бозорлардаги тўкин-сочинлик, экспорт ҳажмининг ортиши ва агротадбиркорларнинг кўпайиб бораётгани ҳам соҳадаги янгиланишлар маҳсули.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги иқтисодиётимизнинг тўртдан бир қисмини ташкил қиладиган муҳим соҳа. Ялпи ички маҳсулотнинг салкам 30 фоизи унинг ҳиссасига тўғри келади. Тармоқда меҳнатга лаёқатли аҳолининг учдан бир қисми фаолият кўрсатади. Соҳада мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш ҳисобига ушбу рақамларни янада ошириш мумкин.

Юртимизда замонавий қишлоқ хўжалиги атамаси пайдо бўлиб, уни ривожлантириш бошланганига кўп бўлмади. Аммо ўтган қисқа вақт ичида бу борада сезиларли тажриба тўплаб, соҳага янги технологияларни олиб киришга, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини йўлга қўйишга эришилди. Маҳсулотни етиштиришдан то экспортгача бўлган жараённи қамраб олувчи кластер тизими, аҳолига узоқ муддатли ижара шартлари асосида ер майдонларининг бўлиб берилиши, ғалла ва пахта сотувида эркин бозор механизмининг жорий этилгани ўз самарасини бермоқда. Жумладан, ўтган йилнинг ўзида 100 минг гектар экин ери аҳолига деҳқончилик қилиш учун бўлиб берилиши ҳисобига 1,5 миллион тонна қўшимча озиқ-овқат маҳсулоти етиштирилди. Қишлоқларда 400 мингта янги деҳқон хўжалиги ташкил этилиб, 1 миллион 200 мингдан зиёд кишининг бандлиги таъминланди.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида соҳадаги ислоҳотлар қатъий давом эттирилишини таъкидлади. Айниқса, қишлоқ хўжалигидаги тадбиркорлар салоҳиятини кенгайтириш, маҳсулот сифатини ошириш, экспорт ҳажмини кўпайтириш, маҳсулотларни қайта ишлаш орқали қўшимча қийматни бир неча баробар кўтариш, янги иш ўринлари яратишга катта эътибор қаратилади.

### Ҳам билим, ҳам сармоя

Бунга эришиш бўйича қатор вазифалар белгиланган. Ҳозир улардан бири — халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик масаласига тўхталмоқчимиз. Негаки, халқаро ташкилотлар билан амалга оширилаётган йирик лойиҳаларни соҳада кўзланган мақсадларнинг бир қисми, дейиш мумкин.

Гап шундаки, бугун қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун қиммат техникалару, илғор технологияларнинг ўзи камлик қилади. Тармоқда илм-фанни қўллаш, хориж давлатлари билан тажриба алмашиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Яъни дунёда қишлоқ хўжалиги анча ривожланган давлатлар бор, уларнинг тажрибасини ўрганиб, амалиётда қўллашни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Айниқса, Ўзбекистон дунё давлатлари учун очиқ мамлакатга айланган ҳозирги даврда бу янада зарур. Маълумотларга кўра, сўнгги беш йилда мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасига 2,5 миллиард доллар хорижий ресурс жалб қилинган. Айниқса, маҳаллий фермер ва деҳқонларни чет эл тажрибаси асосида ўқитиб, фаолиятида янгича технологияларни қўллашга кўмаклашиш кўлами ошиб боряпти.

АҚШ тараққиёт агентлиги (USAID) ҳамда Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамкорлигидаги “Агробизнесни ривожлантириш” халқаро лойиҳаси ана шундай истиқболли ташаббуслардан бири. У қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, йиғим-теримдан кейин қайта ишлаш ва уни сотишда янги технологиялар ва бошқарув усулларини жорий этиш орқали агробизнес рақобатбардошлигини оширишга кўмаклашишни назарда тутади.

2020-2025 йилларга мўлжалланган лойиҳанинг умумий қиймати 18,9 миллион долларга тенг. Миссия фаолияти асосан, деҳқон, фермер ва агротадбиркорлар билан ишлашга қаратилади. Бунинг асосий 2 йўли танланган. Бири — соҳада инновацион лойиҳаларни йўлга қўяётган тадбиркорларга қўшма сармоя киритиш орқали замонавий ускуна ва жиҳозларни олишларида кўмаклашиш бўлса, иккинчиси, консалтинг хизматларини кўрсатиш, яъни уларнинг ўз фаолиятларида илғор технологияларни қўллашлари учун тренинг орқали билим беришдан иборат.

— Озиқ-овқат хавфсизлиги — бу нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг мавжудлиги, балки уларнинг сифати ҳамда хавфсизлиги, аҳолининг уларни сотиб олиш имкониятига эга бўлиши ва бошқа қатор омилларни англатади, — дейди “Агробизнесни ривожлантириш” халқаро лойиҳаси мутахассиси Комил Ёқубов. — Масалан, оддийгина қулупнай мевасини олайлик. Яқин йилларгача биз бу мевани фақат баҳор ойида — пишиб етиладиган мавсумида тўйиб еб олиб, йилнинг бошқа вақтида бозорлардан топа олмасдик. Ёки сотилса ҳам, қимматлиги боис, олишнинг имкони бўлмасди. Аммо Европа бозорларида йил давомида исталган маҳсулотни топиш мумкин. Сўнгги йилларда бу ҳолат Ўзбекистон бозорларида ҳам кузатилмоқда. Кайвониларнинг тили билан айтганда, ҳозир бозордан “анқонинг уруғи”ни ҳам топиш мумкин. Бу ниманинг эвазига? Аввало, мамлакатда қишлоқ хўжалиги соҳасига замонавий технологияларнинг жорий этилиб, маҳсулотни сақлаш, қайта ишлаш имкониятларининг яратилгани билан боғлиқ. Шу боис, биз фермерлар билан ишлаш жараёнида ана шу жиҳатларни ривожлантириш, тежамкор технологиялардан фойдаланиш, совуткич инфратузилмасини такомиллаштиришга кўмаклашяпмиз.

Биргина балиқчилик йўналишини оладиган бўлсак, охирги йилларда мамлакатда интенсив усулда балиқ етиштириш, сувни кислород билан тўйинтирувчи замонавий аэраторлардан фойдаланиш технологиялари оммалашяпти. Уларни қўллашдан мақсад кўпчилик ўйлаганидек, фақат тежамкорлик эмас, балки сифатли ва ҳосилдор маҳсулот олиш, янги балиқ турларини кўпайтириш, уларни қайта ишлашни ривожлантиришдан иборат. Умуман, замонавий технологиялар шундайки, уларни тўғри қўллагандагина, кутилган натижани беради. Бунинг учун ўрганиш, зарур билимларни эгаллаб, кўникмага эга бўлиш лозим. Шу боис, бизнинг иккинчи йўналишимиз деҳқон, фермер ва агротадбиркорларни ўқитишга қаратилган. Бугунга қадар лойиҳа доирасида қишлоқ хўжалигининг турли йўналишларида минглаб фермер ва агробизнес эгалари учун малака ошириш бўйича тренинглар ташкил этиб келиняпти. Тўққизта олий таълим муассасаси ва хусусий сектор билан ҳамкорликда 1300 нафар ўқитувчи ва талабаларга ҳосил йиғилгандан кейинги ишлов, қайта ишлаш, замонавий технологиялар ва бошқарув амалиёти бўйича тренинг ва семинарлар ўтказилди.

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИНГ ТЎРТДАН БИР ҚИСМИНИ ТАШКИЛ ҚИЛАДИГАН МУҲИМ СОҲА. ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТНИНГ САЛКАМ 30 ФОИЗИ УНИНГ ҲИССАСИГА ТЎҒРИ КЕЛАДИ. ТАРМОҚДА МЕҲНАТГА ЛАЁҚАТЛИ АҲОЛИНИНГ УЧДАН БИР ҚИСМИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТАДИ. СОҲАДА МАВЖУД ИМКОНИЯТЛАРДАН ТЎЛИҚ ФОЙДАЛАНИШ ҲИСОБИГА УШБУ РАҚАМЛАРНИ ЯНАДА ОШИРИШ МУМКИН.”**

Бир неча ўн йиллаб ер билан ишлаган деҳқон ололмаган юқори ҳосилни соҳада энди иш бошлаган фермер ёки тадбиркор биринчи йилнинг ўзидаёқ олиши мумкин. Бу ниманинг эвазига? Албатта, замонавий технологиялар ҳамда билим, иш жараёнида илм-фан ютуқлари ва инновацион лойиҳаларни қўллаш ҳисобига. Мамлакатимизда ана шу жараённи ўзаро уйғунлаштиришга бўлган ҳаракатларнинг боиси шунда. Яъни ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигида илмий ёндашув бўлмас экан, тинимсиз қилинган меҳнатнинг ўзи етарли самара бермайди.

Халқаро лойиҳа мамлакатимизда хусусий секторни қўллаб-қувватлаш орқали қишлоқ хўжалиги товарлари ва хизматлари сонини ошириш, озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хилма-хиллигини таъминлашга кўмаклашишни мақсад қилган. Қўшимча қиймат занжирини яратиш вазифаси эса иқтисодиёт ривожи ва аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган. Қишлоқ хотин-қизларини турли йўналишларда ўқитиб, тадбиркорлигини бошлашида ҳам моддий кўмак кўрсатиляпти. Лойиҳа ҳамкорлари орасида хусусий компания ва нодавлат нотижорат ташкилотлари бор. Соҳада ўқиб, зарур билимларни ўзлаштирган кўплаб хотин-қизлар ана шу корхоналарда ишлаш имкониятига ҳам эга.

Қорақалпоғистоннинг Хўжайли туманида истиқомат қилувчи Улбўсин Матмуратова халқ амалий каштачилигини ривожлантириб, маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқишни мақсад қилган. Қўлигул ҳунарманд шогирдлари билан бу ишни йўлга қўйиб олган. USAID лойиҳаси унинг корхонасини янада кенгайтириб, ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга йўл очди.

— Маҳсулотларимизга талаб ошгани боис, каттароқ тикув машинасига эҳтиёжимиз бор эди, — дейди У. Матмуратова. — Лойиҳа доирасида берилган катта ва қиммат бўлган кашта тикиш машинаси иш самарадорлигимизни бир неча баробарга кўпайтирди. Бу машина икки ҳафта қилинадиган қўл меҳнатини бир соатда бажаради. Маҳсулотлар сифати ҳам ошган. Эндиликда янада кўпроқ аёлларни иш билан таъминлаш ва юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятига эгалигимиздан хурсандман.

Эркиной Абжамилова эса 2017 йилда Андижоннинг Хонобод ва Қорадарё бўйидаги манзарали тепаликда ресторан ҳамда турар жой мажмуасини ташкил этган. Унда қирғиз миллий таомлари тайёрланиб, дам олувчиларга тақдим этилади.

— Меҳмонлар юрта (қирғиз халқи фойдаланадиган махсус йиғиладиган уйчалар)ларда таомланади. Аммо бизнинг юрталаримиз эскириб қолгани боис, ташриф буюрувчилар оқими ҳам камайди, — дейди Э. Абжамилова. — USAID лойиҳасининг кўмаги билан имкониятларимиз кенгайди, янги, қулай юрталарга эга бўлдик. Энди биз тўрт баробар кўпроқ сайёҳларга турар жой ва овқатланиш хизматларини таклиф қила оляпмиз. Ўтган йили аввалгиларига нисбатан икки баробар кўп даромад олдим.

### Фойдадаги фарқ 500 фоиз

Мамлакатимизнинг узоқ йиллик халқаро ҳамкорларидан яна бири БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотидир. ФАО номи билан таниш бўлган бу ташкилот Ўзбекистонда қатор лойиҳаларни амалга ошириб келади. Бугунги кунда улардан энг йириклари — “Ўзбекистон тоғ ва водий ҳудудларида ўрмонларни барқарор бошқариш” миллий лойиҳаси ҳамда “Марказий Осиё ва Туркиянинг қурғоқчил ва шўрланган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ландшафтларида табиий ресурсларни комплекс бошқариш” (CACILM-2) минтақавий лойиҳаси. Бу лойиҳаларни Глобал экологик жамғарма молиявий қўллаб-қувватлайди.

CACILM-2 минтақавий лойиҳаси қурғоқчил ва шўрланган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ландшафтларида ердан фойдаланишни яхшилаш, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ҳамда табиий ресурсларни комплекс бошқариш бўйича амалиётлар кўламини кенгайтиришга қаратилган. Бу бўйича мутахассислар тавсиялар ишлаб чиқиб, ҳудудларда инновацион ёндашувлар ва технологияларни қўлламоқда. “Ғузор” қоракўлчилик хўжалиги МЧЖ ҳудудида атрофи ўралган яйлов ўсимликлари уруғлик майдони бунга мисол. 30 гектар майдонга яйлов ўсмликлари уруғлари белбоғ усулида экилиб, кейинчалик хўжалик эҳтиёжлари ва сотиш учун уруғлик етиштириш режалаштирилган.

Лойиҳа доирасида Бухоро ва Қамаши туманлари қишлоқ аҳолисини қўллаб-қувватлаш борасида ҳам қатор ишлар амалга ошириляпти. Хусусан, ўтган йили фермерлар ва аҳоли даромадларини ошириш мақсадида қишлоқ хўжалиги техникалари, иссиқхоналар, қурғоқчилик ва шўрга чидамли экинлар уруғлари беғараз етказиб берилди.

ФАО ҳамда Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамкорлигидаги “Келажак авлод учун ақлли деҳқончилик” лойиҳаси эса иссиқхона деҳқончилигини ривожлантиришга қаратилган. Яъни қишлоқ жойлардаги кичик иссиқхоналарни замонавий усулда модернизация қилиб, илғор технологияларни қўллаш ҳисобига маҳсулот етиштиришда юқори сифат ва ҳосилдорликка эришиш мақсад қилинган.

Лойиҳанинг илк босқичи 2021 йилда Андижон, Наманган ва Фарғона қаторида, бошқа манфаатдор шахслар иштирок этди. Лойиҳа иштирокчилари ўтган йили илк ҳосилни олди. Натижа эса кутилганидан бир неча баробар юқорироқ.

Ўтган йили октябрь ойида бенефициарлар объектларида бўлган ФАОнинг сабзавот етиштириш бўйича халқаро эксперти Леоне Ломбида фермерларнинг иссиқхона соҳасида эришган натижаларидан ҳайратга тушди.

— Лойиҳа жамоаси ва мен 20 нафар бенефициар иссиқхонасида бўлдик ва ишонч билан айтишим мумкинки, лойиҳа Ўзбекистонда жуда самарали амалга оширилмоқда, — деди халқаро эксперт. — Таққослаш учун айтаман, иссиқхонани модернизация қилиш бўйича таълим ва кўмак олган ФАО лойиҳаси бенефициарларидан бири 206 килограмм ҳосил олишга эришган бўлса, иссиқхонада анъанавий усулда ҳосил етиштираётган қўшниси атиги 35 килограмм ҳосил олган. Уларнинг иссиқхоналари ҳажми жиҳатидан деярли бир хил, иккаласи ҳам сентябрь ойининг охирида ҳосилни йиғишни бошлаган, аммо ҳосилдаги тафовут катта, шунга яраша фойдадаги фарқ ҳам тахминан 500 фоизни ташкил қилди. Қувонарлиси, эндиликда яна 20 нафар фермер бенефициарлар қаторига қўшилди ва ҳозирда улар сони 40 нафарни ташкил этмоқда.

Бу замонавий қишлоқ хўжалигининг ютуқларидан бири. Илғор технологиялар ва билимга асосланган меҳнат юқори натижа бериши ана шундай лойиҳаларда яққолроқ кўзга ташланади. Қишлоқ хўжалигидаги халқаро лойиҳалар жорий йилда ҳам юртимиз бўйлаб фаол давом этади. Уларнинг сони йил сайин ортиб бораётгани соҳада маҳсулот етиштириш ва қайта ишлаш, қўшимча қиймат занжирини яратиш, юқори ҳосилдорлик, аҳоли бандлигини таъминлашнинг ошишига ҳисса қўшмоқда.



ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

# ЁШ ЎҚИТУВЧИ ПРЕЗИДЕНТ ИШОНЧИНИ ОҚЛАДИ

## Бухоро вилояти хорижий тилларни ўқитиш бўйича намунавий ҳудудга айланмоқда

**Куни кеча шахмат бўйича йирик халқаро мусобақа — “Tata Steel Chess—2023” беллашувларида ёш шахматчимиз Нодирбек Абдусатторовнинг хориж оммавий ахборот воситаларига инглиз тилида равон интервью берганини кўриб, халқимиз у билан яна бир карра ғурурланди. Жорий йилнинг 20 январь куни давлатимиз раҳбари раислигида мактабларда хорижий тиллар ва касб ўргатиш тизимини ривожлантириш масалалари бўйича ўтказилган кенгайтирилган йиғилишда чет тилларни ўқитиш сифатини ошириш ва ўқувчиларни касбга йўналтириш масалалари кун тартибига чиқди.**

Бу тажрибани жорий этиш учун ҳар бир вилоятдан биттадан шаҳар ва иккитадан туман танлаб олинган. Улардаги 2 мингдан ортиқ мактабнинг шароити, педагоглари малакаси, ўқувчиларнинг касб-ҳунар ва хорижий тилларга қизиқиши ўрганилган. Булар орасида Бухоро вилоятининг Ғиждувон, Шофиркон туманлари, Бухоро шаҳри ҳам бор. Бу ҳудудларда хорижий тил ва касб-ҳунарга талаб нисбатан юқори. Шу билан бирга, тил ўрганишга қизиқувчилар ҳам кўпчиликни ташкил этади.

— Вилоятимизда хорижий тилларни ўқитиш 2021 йилдаёқ алоҳида тус олган эди, — дейди Бухоро давлат университети профессори Нозима Холиқова. — Ўша йили айни шу вақтларда давлатимиз раҳбари Бухорога ташрифи чоғида вилоят ҳокимига хорижий тилларга алоҳида эътибор қаратиш ҳамда ҳудудни хорижий тилларни ўқитиш бўйича намунали вилоятлардан бирига айлантириш бўйича топшириқ берган эди. Шундан сўнг давлатимиз раҳбарининг чет тилларни ривожлантиришга доир бирин-кетин қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари эълон қилина бошлади. Гап шундаки, бу қарорлар нафақат таълим тизими, балки бошқа соҳалар, давлат ташкилотларида ҳам раҳбар ва ходимларга хорижий тилларни ўқитишни йўлга қўйишга қаратилган.

### Топшириқ берилди, натижа эса...

Инглиз тили бўйича юқори даражага эга, 30 ёшида профессор бўлиб ишлаётган Нозима Президентимизнинг Бухорога икки йил олдинги ташрифини яхши эслайди. Ўшанда у фаоллар қаторида ўтирар, сўнг давлатимиз раҳбари билан тўғридан-тўғри мулоқот қилганди. Суҳбат давомида докторлик ишини инглиз тилида ёқлаганини айтди. Ёш докторантнинг эришган ютуқларидан қувонган Президентимиз вилоят ҳокимига Нозимани Бухорода хорижий тилларни ўргатиш бўйича раҳбар қилиб тайинлаш ва унинг ғояларини қўллаб-қувватлаб, зарур барча шароитни яратиш бўйича топшириқ берганди.

— Шундан сўнг Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги ташкил этилди. Мен ана

шу агентликнинг Бухоро вилояти вакиллигига раҳбар этиб тайинландим. 29 ёшимда шундай масъулиятли вазифада ишлай бошладим, — дейди Нозима Холиқова. — Давлатимиз раҳбарининг учрашувда “Мана кўрасизлар, йил якуни бўйича бошқа вилоятдаги раҳбарлардан кўра, мана шу қиз яхши натижа қилиб беради”, деган сўзлари менга ҳозиргача куч ва ишонч бериб туради. Фаолиятимизни, энг аввало, халқ таълими тизимидаги ўқитувчиларни ўқитишдан бошладик. Тиббиётдан маълумки, касалликни аниқлаш учун, аввало, тўғри ташхис қўйиш лозим. Биз ҳам, биринчи навбатда, С1 даражадаги халқаро сертификатга эга малакали кадрлар тайёрлаш, хорижий тилларни оммалаштиришга қаратилган вазифалар ижросини ўрганиш мақсадида вилоятдаги барча туман ва шаҳар халқ таълими тизимида фаолият юритадиган ўқитувчиларнинг хорижий тилни билиш бўйича сертификациясини таҳлил қилдик. Ҳар бир туманда энг кучли ўқув марказлари мутахассисларини жалб қилиб, вилоятдаги барча ўқитувчиларни инглиз тили бўйича қайта ўқитдик. Турли давлат ташкилотларида ҳам хорижий тил курсларини ташкил қилдик.

Ҳозир вилоят халқ таълими тизимида 2676 нафар хорижий тил ўқитувчиси фаолият юритаётган бўлса, шундан 977 нафарининг халқаро ва миллий тил билиш сертификати мавжуд. Бу 37 фоиз дегани. Олий таълимда эса мазкур кўрсаткич 74,40 фоизни ташкил этмоқда. Хорижий тилни билиш бўйича сертификатга эга 14-30 ёшдаги йигит-қизлар сони 1550 нафардан ортиқ. Ушбу статистика вилоятда сертификат олиш даражаси 3-4 баробар ошганидан далолат беради. Мамлакатимиз миқёсида эса Бухоро вилояти бу йўналишда иккинчи ўринга кўтарилди.

### “Онамдан мотивация оламан”

Бухоро шаҳрида вояга етган Нозима Холиқова болалигидан хорижий тилларни ўрганишга меҳр қўйди. Мактаб давридаёқ фаоллар сафида бўлди. Бухоро давлат университети талабаси бўлганидан кейин ҳам турли танловларда қатнашиб, ғолибликка эришди. 2014 йилда магистратура босқичи талабасига айланди. Кейинроқ турмуш қурган қаҳрамонимиз илмий фаолиятини ҳам ташлаб қўймади. 24 ёшида ўзи ўқиган университетда ўқитувчи сифатида иш бошлади. Пандемия сабаб жорий этилган карантин даврида эса АҚШнинг Аризона университетида онлайн таҳсил олиб, халқаро ўқитувчилик даражасини қўлга киритди. Орада фарзандли бўлиш баробарида, таълимнинг кейинги босқичларини давом эттирган Нозима ўзи орзу қилганидек, 30 ёшида профессор унвонига эришди.

— 2020 йили фан йўналиши бўйича Зулфия номидаги давлат мукофотига сазовор бўлдим. Президентимизнинг шахсан ўзи мукофотни топширар экан, “Доктор, профессор бўлинг, қизим”, дея тилак билдирди. Бу сўзлар ҳанузгача қулоғим остида жаранглайди ва менга доим куч беради, — дейди қаҳрамонимиз. — Ушанда юртимиз тарихида илк бор докторант ушбу мукофотга лойиқ кўрилган эди. Бу ҳам биз ёшларга барча имкониятлар эшиги очилаётганидан далолат эмасми? Имкониятлар ҳақида гапирганда айрим йигит-қизлар буни кўрмаётганини айтиб нолийди. Лекин бунинг бари изланмаслик, мақсад сари интилмасликдан. Мақсади аниқ, ҳаракати дадил инсон, албатта, имкониятлардан фойдалана олади. Оддий оиланинг фарзанди сифатида ўзимни мисол келтиришим мумкин. Отам ишчи, онам ўқитувчи бўлган. Аммо бу менинг бугунги даражага эришишим, имкониятлардан фойдаланишимга тўсиқ бўла олмади.

Нозима ҳаётдаги энг катта ютуқларидан бири оиласи ва фарзандлари эканини таъкидлайди. Турмуш ўртоғини ҳам илмий соҳага қизиқтирган, ҳозир Бухоро давлат университети докторанти. Улар биргаликда икки ўғилни тарбиялаяпти. Қолаверса, ҳар соҳада бир-бирини тушуниб, қўллаб-қувватлайди. Нозима 2019 йилда асос солган “Aligenius innovative centre” ўқув-инновацион марказининг яқинда ишга тушиши кутилаётган янги биноси қад ростлашида ҳам иккаласининг тенг ҳиссаси бор.

Гап шундаки, қаҳрамонимиз марказ ташкил этгунга қадар ижарага бино олиб, турли ёшдаги 20-30 нафар болани инглиз тилига ўқитиб келган. Марказ учун рухсатнома олингач, бошқа тилларда ҳам дарслар ташкил этилди. Айтгандек, Нозима Холиқова инглиз, рус, тожик тилларида эркин сўзлаша олиш билан бирга, француз ва араб тилларини ҳам қисман билади. Ҳозир турк тилини ўрганяпти. Шундай қилиб, марказ иш бошлаганидан кейин жой масаласи муаммо бўлиб, у ёқдан бу ёққа кўчиб юришди. Ниҳоят Нозима “Ёшлар — келажагимиз” дастури иштирокчисига айланди ва унга қўшимча ер ҳамда имтиёзли кредит ажратилди.

— Кредит чиққунига қадар бино пойдеворини ўзим ва турмуш ўртоғимнинг ойлик маоши ҳисобига кўтардик, — дейди у. — Ўтган йили марказ қурилишини ниҳоясига етказдик, тез орада очилишини ўтказамиз. Янги бинода босқичма-босқич мингга яқин ёшларни ўқитиш имконияти бор. Инновацион технологиялар ўрнатилиб, хорижий тиллар замонавий методлар асосида ўқитилади. У ерда ўнлаб ёшларни иш билан таъминлашни ҳам режалаштирганмиз.

### Янги метод ўйлаб топиш шарт эмас...

Нозима хориждаги университетда таҳсил олиш давомида ўзи учун тажриба ҳам тўплади. АҚШнинг Аризона университетида пандемия сабаб онлайн ўқиган бўлса-да, дарслар жуда қизиқарли бўлгани, юртимиз таълим тизимидан фарқли тарзда ижодкорликка кенг урғу берилишини кузатди. Таълим жараёнида ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини намоён этиши учун кўпроқ шароит яратиш кераклигига амин бўлди. Унинг фикрича, бунинг учун ўқитувчиларда ҳам ижодкорлик юқори бўлиши, ортиқча вақтни оладиган қоғозбозликка чек қўйиш лозим.

МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ВИДЕОЛАВҲАГА ЎТИНГ.

Қаҳрамонимиз хориж тажрибасини маҳаллий шароитда қўллашга интилмоқда. Нозима инглиз тили бўйича бир қанча дарсликлар, ўқув қўлланмалар, монография ва халқаро илмий мақолалар ҳам ёзган. Аммо у юртимизда инглиз тилини сифатли ўқитиш учун янги методлар, қўлланмалар ишлаб чиқиш шарт эмас, шунчаки мавжудларидан тўғри фойдаланиш керак, деб ҳисоблайди. “Инглиз тили бизнинг она тилимиз эмас ва унинг ўз эгалари бор, демак, унинг дастур, платформалари ҳам ишлаб чиқилган. Ҳалигача доимий янгилаб борилади. Биз улардан фақат мақсадли фойдалансак, вақтни ҳам, маблағни ҳам тежаймиз. Асосий метод — бу мунтазамлик ва муҳитдир. Шуларга риоя этилса, кифоя”, дейди у.

Мамлакатимизда мактаб ўқувчиларини тил ва касбга ўқитиш, ўқитганда ҳам профессионал таълим бериш, бу уларнинг кейинги ҳаётида асқатишига эришиш каби катта мақсадлар қўйилмоқда. Давлатимиз раҳбари бежиз “Мактабдан касб ва тилни билиб чиққан бола жамиятимизнинг катта ютуғи, билмагани муаммо”, дея таъкидламади. 11 йиллик таълимни тугатган бола бир нечта тилни мукаммал билса, ўқишга кира олмаган тақдирида ҳам, бирор иш топиш имконига эга бўлади.

Буларга эришиш учун тизимда малакали кадрларга эҳтиёж катта. Қолаверса, чет тилларини сифатли ўргатиш учун мактабларга “тил эгаси” бўлган педагогларни жалб қилиш масаласи ҳам муҳим. Бухоро вилоятида турли дастурлар доирасида ана шундай жами 9 нафар “тил эгаси”, яъни хорижлик мутахассис ишлайди.

— Биз нима учун инглиз тили ўқитувчиларини қайта ўқитиш, уларнинг малакасини мунтазам ошириб боришга интиляпмиз? Чунки таълим муассасаларида ўқувчига тил ўргатиш кўрсаткичларини ошириш учун, аввало, малакали кадрлар зарур, — дейди Нозима Холиқова. — Мамлакатимизда инглиз тилини бошланғич тарзда эмас, балки профессионал ўқитиш вақти келди. Бу борада тил ўқитувчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни мақсад қилганмиз.

### Мақсадим — Ўзбекистон номини танитиш

Нозиманинг орзулари ва келгусидаги мақсадларини алоҳида қисмга ёзишни истадик. Бу орзулар ниҳоятда катта бўлгани учун эмас, балки уларнинг беғубор, ёш, аммо улкан қалбда яшаётгани, фақат меҳнат, интилиш ортидан бирин-кетин рўёбга чиқаётгани учун.

Қаҳрамонимизнинг болаликдаги илк катта орзуси инглиз ва бошқа халқаро тиллар орқали дунёга чиқиб, Ўзбекистон номини танитиш бўлган. Бу олов ҳамон шу юракда яшаяпти. Аммо унинг атрофида ҳозир бошқа ният ва мақсадлар ҳам аланга олган.

— Президентимиз билан бўлган иккинчи мулоқотимиз давомида у кишининг “Аёлларни мана шундай илмий соҳага қизиқтира билганлари учун ота-онангизга раҳмат”, деган сўзларидан кўзимга ёш келди, — дейди Нозима Холиқова. — Чиндан менинг бугунги муваффақиятларимда онамнинг ҳиссаси беқиёс. Кўп оилаларда қизларнинг ўқишига етарлича эътибор қаратилмайди. Аслида қиз болани ўқитиш орқали бутун оила, ҳатто жамиятга ижобий таъсир кўрсатиш мумкин, деб ўйлайман. Чунки бунинг ўша аёл атрофидаги хотин-қизлар, ўз оиласи, фарзандларига таъсири бўлади. Аждодларимиз ҳам бола тарбиясида ўқимишли аёлнинг ўрни катта экани ҳақида бежиз таъкидламаган.

Қаҳрамонимизнинг жорий йил учун ҳам олдига қўйган мақсадлари талайгина. Ўзи биладиган ва ўрганаётган бир нечта тиллар бўйича С1 даражасини олиш, фан доктори ва профессор илмий унвонларининг якуний талабларини бажариб, уларни қўлга киритиш ҳамда хорижда малака ошириб қайтишни кўзлаган. Табиийки, бу мақсадлар орасида вилоят, қолаверса, юртимизда хорижий тилларни ўрганиш кўрсаткичини оширишга ҳисса қўшиш, янги лойиҳаларни амалга ошириш кабилар ҳам бор.

**Ирода АНВАРЖОН қизи,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

БУГУННИНГ ГАПИ

# ТАЪЛИМДАГИ ЎЗИГА ХОС КЎПРИК

## кадрлар сифати ва рақобатбардошлиги шунга боғлиқ

**Абдуғаффор ЖЎРАЕВ,**
**Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институти ректори вазифасини бажарувчи, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор**

**Президентимизнинг навбатдаги Мурожаатномасида асосий эътибор таълим сифатига қаратилгани бежиз эмас. Сабаби, бугун мамлакатимиздаги ўн мингдан зиёд мактабда олти миллиондан ортиқ ўғил-қиз таълим-тарбия олмоқда. Бу кичик рақам эмас. Зотан, миллионлаб боланинг келажаги, миллат ва давлатнинг эртанги куни соҳадаги ислоҳотларнинг натижасига боғлиқ. Дунёнинг тараққий этган давлатларига хос ривожланиш сир-синоати узоқ йиллар таълим жабҳасига киритилган миллиардлаб сармоя ва катта эътибор ҳосиласи экани ҳеч кимга сир эмас. Президентимиз таъбири билан айтганда, “Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказиш учун сарфланган сармоя жамиятга ўн, юз баробар кўп фойда келтиради”.**

Албатта, таълим жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш осон эмас. Соҳа комплекс ва янгича ёндашувни талаб қилади. Жумладан, бу таълим муассасасининг моддий-техник имкониятини оширишдан тортиб, педагоглар салоҳиятини юксалтириш, ота-оналар ҳамда кенг жамоатчиликнинг таълимга муносабатини тубдан ўзгартиришгача бўлган жараённи қамраб олади.

Мактаб таълимига қаратилаётган бундай эътибор ва рағбат яқин келажакда ўз самарасини бериши табиий. Чунки яхши шароитда ўқиб, билим ва тарбия олаётган ўқувчиларнинг кейинчалик таълимни академик лицей, касб-ҳунар мактаблари, техникумлар ҳамда олий таълим муассасаларида давом эттириши бу бўғинларда ҳам ўқитиш сифати ва самарадорлигига ижобий таъсир этади.

Мурожаатномада айтилганидек, мактаб битирувчиларининг 50 фоизи меҳнат бозорига ҳеч қандай касбга эга бўлмасдан кириб келаётгани ҳақиқат. Шу боис, давлатимиз раҳбари 700 дан ортиқ касб-ҳунар мактаби ва техникум имкониятидан самарали фойдаланиш ҳамда ҳар бир вилоятда биттадан техникумда Европа касбий таълим стандартлари жорий этиш зарурлигини эслатди.

Шу йилнинг 20 январь куни Президентимиз раислигида мактабларда хорижий тиллар ва касб ўргатиш тизимини ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилишда ҳам хорижий тилларни ўқитиш сифатини ошириш ва ўқувчиларни касбга йўналтириш масалалари муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбарининг таъкидлашича, Ўзбекистонда 11 йил мактабда ўқиган бола чет тилни мукаммал билмайди. Шароит ва мутахассислар етишмаслиги сабабли ёшларни касбларга қизиқтириш муҳити шаклланмаган. Мазкур йиғилишда туман ва маҳаллаларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, ўқувчиларни мактабнинг ўзида 64 хил ишчи касб бўйича ўқитиш таклиф этилди. Шунингдек, болаларни ахборот технологиялари ва “креатив индустрия” бўйича замонавий касбларга ўргатиш муҳимлигига урғу берилди.

Кадрлар сифати ва рақобатбардошлиги масаласи мактаб таълими ва олий таълим ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини ўтовчи касб-ҳунар таълими марказлари, академик лицейлар ва техникумларга ҳам алоҳида масъулият юклайди. Сўнгги йилларда бу йўналишда ҳам тегишли қарорлар қабул қилиниб, соҳанинг моддий-техник базасини яхшилаш ҳамда сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш бўйича қатор ишлар қилинди. Хусусан, таълим ва амалиёт дастурлари бугунги ишлаб чиқариш жараёни, хизматлар ва иқтисодиётнинг илғор соҳаларига мослаштирилди.

Президентимизнинг 2021 йил 1 сентябрдаги “Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари ўртасида таълим жараёни ҳамда тармоқ ташкилотлари билан ишлаб чиқариш амалиёти узвийлигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, турдош ОТМ ҳамда асосий йўналишлари бўйича тармоқ ташкилотларига 213 та техникум бириктирилди. Қарорнинг шу бандига асосан, Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институтига ҳам қатор техникум ва академик лицейлар бириктирилган. Қумқўрғон агротехнологиялар техникуми, Денов Ҳазарбоғ агротехнологиялар техникуми, Бандихон агротехнологиялар техникуми

ҳамда Қизириқ академик лицейи шулар жумласидан. Ҳозир мазкур таълим муассасалари билан чуқур ва тизимли ишлар йўлга қўйилган. Институт профессор-ўқитувчилари мунтазам очиқ дарслар, тренинглар ва лаборатория машғулотлари ўтказиб келмоқда. Институтнинг тармоқ марказлари, иқтидорли талабалари илмий қўшма лойиҳалар, турли тадбирлар ташкил этяпти. Мазкур техникумларни аъло баҳолар билан тамомлаган битирувчилар суҳбат асосида институтга ўқишга қабул қилинмоқда. Бундай қамровли саъй-ҳаракатларни янада кенгайтирамиз. Чунки таълимнинг барча бўғинида узвийликни таъминлаш, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасида интеграцияни мустаҳкамлаш, илм-фанда халқаро тажрибаларни қўллаш ва креатив ғояларни амалга ошириш таълим сифатини яхшилашнинг муҳим омилларидан.

ИФТИХОР

МУНОСАБАТ

**1986 ЙИЛ ДЕҲЛИДА ИНГЛИЗ ОЛИМИ ВАЛДЕМАР ҲАНСЕН “ТОВУС ТОЖ” ЁКИ МЎҒУЛЛАР ИМПЕРИЯСИ ҚИСМАТИ” НОМЛИ АСАРИДА “ҲИНДИСТОН ВА УНИНГ САККИЗ МИНГ ЙИЛЛИК ТАРИХИ БАМИСОЛИ БИР ТОВУС БЎЛСА, ЎША КЎПМИНГЙИЛЛИК ТАРИХДАГИ БОБУРИЙЛАР СУЛОЛАСИНИНГ 332 ЙИЛЛИК ҲУКМРОНЛИК ДАВРИ АНА ШУ ТОВУСНИНГ ГУЛТОЖИСИДИР”, ДЕБ ЁЗГАН ЭДИ. БИЗНИНГЧА, БОБУРИЙЛАР СУЛОЛАСИГА БУНДАН-ДА ЮКСАКРОҚ БАҲО БЕРИШ МУМКИН БЎЛМАСА КЕРАК.**

# БОБУР ВА БИЗ ҲАМ ЎША ТАРИХИЙ ТУРОНДАНМИЗ

## Андижонда Бобур номидаги халқаро илмий-тадқиқот институтини ташкил этиш катта имкониятлар эшигини очади

**Рустам ШАМСУТДИНОВ,**
**Бобур номидаги Андижон давлат университети тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейи директори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими**

**Давлатимиз раҳбарининг “Буюк шоир ва олим, машҳур давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори андижонликлар, бутун Ўзбекистон, умуман, улуғ бобомизнинг серқирра ижоди ва жўшқин ҳаёти билан таниш барчани тўлқинлантириб юборди. Зеро, бу жафокаш шоҳнинг инсоният тамаддунига қўшган бениҳоят улкан ҳиссасини унутиб бўлмайди. Унинг хизматлари жаҳон халқлари, айниқса, ўзбек ва ҳиндистонликлар томонидан чексиз қадрланади.**

Тўғри, мамлакатимиз истиқлолга эришганидан сўнг Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк аждодларимизнинг хотирасини абадийлаштириш, уларнинг бадиий ва илмий меросини ўрганиш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Шунга қарамай, Президентимизнинг бу галги қарори қамровнинг кенглиги, белгиланаётган вазифаларни аниқ ва шу пайтгача эътибор қаратилмаган жабҳаларга йўналтирилгани билан бобуршуносликда янги даврни бошлаб беради.

Жумладан, қарорда бобомизнинг илмий ижоди, давлатчилик ва саркардалик фаолиятини кенг ўрганиш масаласи алоҳида таъкидлаб ўтилган. Бу борада халқаро миқёсда изланишлар олиб бориш, янгидан-янги илмий, бадиий-публицистик асарлар яратиш зарурлиги таъкидланган. Олий таълим муассасалари учун Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги давлат стипендияси таъсис этилаётгани, ўзбек, рус, инглиз тилларида фаолият юритадиган халқаро бобуршунослик электрон платформасини яратиш ҳақидаги бандлар соҳада янги саҳифа очиб беради.

Қарорни ўқир эканман, 1992 йили “Бобур изидан” илмий экспедицияси давомида ёзувчи Хайриддин Султон билан биргаликда Покистоннинг Лоҳур шаҳрида чиқадиган “Аҳбори жанг”, “Янгиликлар” газеталари таҳририяти директори жаноб Аршоде Ислом билан ўтган суҳбатимиз ёдимга тушди.

Бизга тушунтиришларича, Покистондаги барча музей, кутубхоналар, илмий муассасаларда Бобурнинг миллати мўғул деган қараш устун экан. Табийки, ҳолат бизни ниҳоятда ранжитди. Суҳбатдошимизга Амир Темур, Бобур, уларнинг авлодлари ҳам ўзбек эканликларини исботлашга киришдик. Қатор далиллар, боболаримиз ижодидан мисоллар келтирдик. Қизиқиб қолган бош муҳаррир дарров мухбир чақириб, суратга туширди. Суҳбатни ёзиб олди.

Эртасига меҳмонхонага келтирилган “Аҳбори жанг”, “Янгиликлар” газеталарида ўша далиллар асосида **“Шойиншоҳ Бобурни мўғул демак ғалат”** сарлавҳали мақола чоп этилганидан бошимиз осмонга етганди. “Аҳбори жанг” урду тилида 1 миллион 200 минг нусхада чоп этиларкан. Шунда буюк бобомиз ҳақидаги ҳақиқатни миллионлаб инсонга етказа олганимиздан чексиз бахтиёр бўлганмиз.

Кейинроқ Хайриддин Султон мазкур мақолани ўзининг “Бобурийнома” асарида келтириб ўтди. Унда, жумладан, шундай дейилган: *“... Ўзбекистондан Андижон университетининг тарих шуъбасидан ҳожи Рустам Шамсутдин, ҳожи Зокир Машраб, ҳожи Хайриддин Султон бир кун аввал Лоҳурга келдилар. Улардан ҳожи Рустам Шамсутдин Лоҳурга келиш мақсадини айтиб, Заҳириддин Муҳаммад Бобур борасида маълумот ва аснодлар йиғишга келганлигини билдирди. Бобур туғилиб ўсган Андижонда ташкил бўлган Бобур уй-музейи учун ҳужжатли, бадиий этюд асарлар излаш ва топиш мақсадида Андижон вилояти ҳокимлиги томонидан Бобур номли халқаро илмий экспедиция тузилгани, мустақилликнинг, истиқлолнинг дастлабки мевваларидан бири эканини таъкидлади.*

*Ҳозирнинг ўзида Бобур ҳақида илмий, бадиий асарлар, кинофильмлар яратилди, аммо ҳали етарли эмас. Экспедиция Эрон, Туркия, Шом, Урду, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликларида бўлди. Энди Покистон, Ҳиндистон, Бангладешда бўлишини айтди. Профессор, жумладан, шундай хабар қилди: “Темур ва Бобур не жойга борибди ва ҳар ишни қилибдики, биз уни ўрганиб, ўз тарихимизни рўй-рост билмоғимиз лозим.*

*Бобур шоир, олим, давлат арбоби, буюк саркарда, моҳир сиёсатдон сифатида ўзини ва киндик қони тўкилган Андижонни бутун жаҳонга танитди. Биз Лоҳурдаги Бобурийлардан қолган тарихий обидаларни кўриб ҳайратда қолдик. Покистон ҳукумати, мамлакат халқи бобурийлар меросини авайлаб, эъзозлаб сақлаб келаётганидан бағоят миннатдор бўлдик. Покистонлик олимлар яратган асарлар билан танишиб чиқдик. Улар бобурийлар тарихи санъати, маданиятини ўрганишга катта эътибор берибдилар. 1993 йили Андижонда ўтказиладиган Бобурнинг 510 йиллик тўйи, илмий анжуманда иштирок этишлари мумкинлигини билдирдилар...”*

Университетимиз, мамлакатимиздаги қатор зиёлилар, ёзувчи, олимлар шундан буён Бобур ҳаёти ва ижодини ўрганишдан тўхтагани йўқ. Аждодларимиз тўғрисидаги ҳақиқатларни, аввало, ўз халқимиз, бутун дунёга ёйиш, таништириш бурчимиз, муқаддас вазифамиз эканини чуқур ҳис этамиз.

Ҳиндистон, АҚШ, Англия, Германия, Франция, Покистон, Туркия, Австралияда буюк Бобурнинг мероси юзасидан олиб борган тадқиқотларимиз жараёнида ўша юртлардаги кўплаб бобуршунос мутахассислар билан учрашганмиз. Мазкур суҳбатлар, изланишлар натижасида “Бобурни излаб”, “Буюк Бобурийлар салтанати” номли китоб ва кўплаб илмий-оммабоп мақолалар эълон қилинди. Андижон давлат университети тарих факультетида “Буюк бобурийлар салтанати тарихи” мавзусида махсус курс ташкил этилди ва шу мавзуда маъруза ва амалий машғулотлар ўтказилмоқда.

Бобурийлар мероси мавзуси билан яқиндан таниш тарихчи сифатида, Президентимизнинг мазкур қарори мазмуни ва моҳиятини чуқур англадим ва Янги Ўзбекистон шароитида халқимизнинг буюк ўтмиш меросини қайта таҳлил қилиш ва у билан бутун халқни тарбиялашдек улуғвор вазифалар белгилаб берилганидан бениҳоя завқландим.

1992 йил октябрида Деҳлидаги Жаваҳарлаъл Неру номли университет профессори Рабиндран Варма билан бўлган суҳбатимизда у шундай деган эди: *“Бобур бизда жуда ҳам қадрлидир, чунки у биринчи бўлиб ерли ҳинд халқи ва ўзи билан келган туркий мўғуллар билан биргаликда кичик-кичик князликлардан бутун Ҳиндистон бўйича марказлашган йирик давлат ташкил қилди. Бу давлат Ҳиндистоннинг ўрта асрлар тарихида энг кўп яшаган салтанатидир. Бизда Турон деган номга ҳам қизиқиш ғоятда кучли. Ахир Бобур ва сиз ҳам ўша тарихий Турондансизлар... Бобур жуда ажойиб, дилбар шахс. У Ўрта Осиё билан Ҳиндистон ўртасида алоқа ўрнатган буюк давлат арбобидир”.*

1986 йил Деҳлида инглиз олими Валдемар Ҳансен “Товус тож” ёки мўғуллар империяси қисмати” номли асарида *“Ҳиндистон ва унинг саккиз минг йиллик тарихи бамисоли бир товус бўлса, ўша кўпминг-йиллик тарихдаги Бобурийлар сулоласининг 332 йиллик ҳукмронлик даври ана шу товуснинг гултожисидир”,* деб ёзган эди. Бизнингча, Бобурийлар сулоласига бундан-да юксакроқ баҳо бериш мумкин бўлмаса керак.

Президентимиз бошчилигида олиб борилаётган буюк боболаримиз шону шуҳратини, меросини тадқиқ этиш, ўрганиш ва ўша тарих билан халқимизни тарбиялаш борасидаги ислоҳотларга юксак баҳо бериб, тарихчи сифатида чексиз миннатдорлик билдиргим келади.

Янги қарорга кўра, белгиланган Бобурийлар салтанати тарихини тадқиқ ва тарғиб этиш бўйича Ўзбекистон Фанлар Академияси таркибида Андижонда “Бобур” номли халқаро илмий-тадқиқот институтини ташкил қилиш айни муддаодир, деб биламиз.

Мазкур қарорда илгари сурилган илмий-методологик, концептуал фикр-ғояларни амалга оширишда Бобур ва бобурийларнинг буюк меросини, халқимизнинг давлатчилик тарихини чуқур ўрганиш, тадқиқ қилиш ва тарғиб этишда бу институт муҳим аҳамият касб этади. Айни вақтда Ўзбекистон — Ҳиндистон дўстлигини, Андижон — Гужарот шаҳарлари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш борасида катта имкониятлар беради. Буюк шоир ва саркарда таваллуд топган Андижонимизда буюк Бобурийлар салтанати тарихи ва маданиятини ўрганиш ва тарғиб-ташвиқ этишни дунё миқёсида амалга оширишда бўлажак халқаро илмий-тадқиқот институт олдида турган муҳим ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий вазифадир.

# Заҳириддин Муҳаммад Бобур сўзи

**Сирожиддин САЙИИД,**
**Ўзбекистон халқ шоири**

*Яратган ҳукмидан олийжоҳ бўлдим —*
*Ўн икки ёшимдан подшоҳ бўлдим.*
*Темурхон авлоди — отам Умаршайх,*
*Қисмат жом ичурди ғоят аччиқ, талх.*
*Буюк бир қўл суриб, елдирди мени,*
*Шатранж донасидай келтирди мени.*
*Айтмангиз йўлдаги бир сипоҳ бўлдим,*
*Ўн икки ёшимдан подшоҳ бўлдим.*

*Подшоҳ бўлдиму кўрдим даҳрни,*
*Билдим разолату адлу қаҳрни.*
*Фалак сақлагандай қатлимга кеклар,*
*Ҳаргиз тинч юрмади кўрнамак беклар.*
*Ўйловдим: менга қош, кўз мирзоларим,*
*Охир адо қилди ўз мирзоларим.*
*Гарчи даврон аро хоки роҳ бўлдим,*
*Ўн икки ёшимдан подшоҳ бўлдим.*

*Токи айланаркан чархи гардунлар,*
*Бордир мамлакатни тутган устунлар.*
*Токи тилим сўйлар, очиқ кўзим бор,*
*Менинг наслларга айтар сўзим бор —*
*Ўрнимдан бу замон қўпиб айтурман,*
*Бобом қиличини ўпиб айтурман:*
*Гарчи олам доим адоватдадир,*
*Куч адолатдадир, адолатдадир!*
*Гарчи тахт узра ҳам гирди — чоҳ бўлдим,*
*Ўн икки ёшимдан подшоҳ бўлдим.*

*Самарқанд десам ё битсам Андижон,*
*Киприкка ёш янглиғ келиб инди жон.*
*Алишербек қайда? Ҳирот қайдадир?*
*Ёру диёримсиз мурод қайдадир?*
*Сизлар ҳам менга бир қон томир — келинг,*
*Камолиддин Беҳзод, Хондамир, келинг.*
*Ёруғ хаёлимни таъмин айлангиз,*
*Сингган бу кўнглимни таъмир айлангиз.*
*Гарчи бошимда тож, дил — кулоҳ бўлдим,*
*Ўн икки ёшимдан подшоҳ бўлдим.*

*Даврон айланармн юз йилда ё бир?*
*Юз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур!*
*Кўкларда ой бўлиб қолгайдир оҳим,*
*Юрак-бағринг эзиб, ўртанма, Моҳим.*
*Дардларингни олиб, кўзим юмойин,*
*Мендан сўнг ҳушёр бўл, ўғлим Ҳумоюн.*
*Бобонг сўзларини зурёдингга айт,*
*Андин сўнг келажак авлодингга айт.*
*Гарчанд зафар гоҳо адоватдадир,*
*Куч адолатдадир, адолатдадир!*
*Шу буюк ҳикматдан мен огоҳ бўлдим,*
*Ўн икки ёшимдан подшоҳ бўлдим.*

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-246.
13565 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Дилшод Улуғмуродов
Мусаҳҳиҳ: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 02:00 Топширилди — 02:10